



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 28 » январь

№ ПФ–60

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнгги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда **“Инсон қадрини учун” тамойили** асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида:

1. Кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етита устувор йўналишдан иборат **2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси** (кейинги ўринларда – Тараққиёт стратегияси) ва уни **“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”** да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин:

инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;

мамлакатимизда **адолат ва қонун устуворлиги** тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;

миллий иқтисодийни **жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш;

адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;

маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш;

миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда **умумбашарий муаммоларга ёндашиш**;

мамлакатимиз **хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат** олиб бориш.

2. Тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя сиёсати бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2026 йилга қадар эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.Холхўжаев), Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) билан биргаликда **уч ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий стратегияси лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ижтимоий ҳимоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

ижтимоий суғурта тизимини яратиш, жумладан ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш;

кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” билан интеграция қилиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат (нонушта ёки тушлик) билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилсин;

в) 2023 йил 1 январдан бошлаб пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн баробаридан ўн икки баробаригача оширилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) **уч ой муддатда** Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига қуйидаги ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи Қонун лойиҳасини киритсин:

аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парваришлаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини жамлаганда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш;

болалиқдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлашда иш стажига қўшиб ҳисоблаш.

3. Маҳалланинг “фаол” моделини жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда ҳудудни ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда:

маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** фаолияти самарали йўлга қўйилсин;

барча даражадаги раҳбарлар маҳаллага тушиб, ўз йўналиши бўйича **муаммоларни ўрганиши** ва **уларга ечим топиши тартиби** жорий этилиб, маҳалладаги ишларнинг ҳолати вазирлик, идора ва ҳокимликлар фаолиятини **баҳолашнинг бош мезони** сифатида белгилансин;

маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ва уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизими яратилиб, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш орқали маҳаллаларнинг халқ олдидаги нуфузи оширилсин;

маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари қайта кўриб чиқилиб, молиявий имкониятлари кенгайтирилсин;

маҳаллаларнинг **“ўсиш нуқталари”** ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширилсин;

маҳалла ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида **спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш** ва **ўқитиш марказлари**, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилсин;

маҳаллани жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш, шу жумладан маҳалла раиси томонидан маҳаллий **Кенгаш мажлисида кўрилиши мажбурий бўлган масалаларни киритишнинг** самарали механизмлари йўлга қўйилсин;

фуқаролар томонидан маҳалла раисига нисбатан **ишончсизлик билдириш институти** жорий этилсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (Р.Маматов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (М.Убайдуллаев) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** кенг жамоатчилик, шу жумладан маҳалла тизимида кўп йиллик иш стажига эга ходимларни жалб қилган ҳолда маҳалла фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чоратадбирлар дастури ва янгиланган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Тараққиёт стратегиясида таълим сифатини ошириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) 1 апрелдан бошлаб нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларга фарзандларини юбораётган ота-оналарнинг ойига **3 миллион сўмгача** бўлган тўловлари **даромад солиғидан озод** этилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Солиқ кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) ўрта таълим тизимини замон талабларига мослаштириш мақсадида:
умумий ўрта таълим муассасаларида **дарсликларни янгилаш** дастурини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан **605 млрд** сўм ажратилсин;

141 мингта янги ўқув ўринлари яратилсин ва уларнинг сони **2026 йил якунига қадар 6,4 миллионгача** етказилсин.

Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда янги ўқув ўринларини яратиш ва мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга ўқитиш бўйича чораларни кўриб борсин.

5. Тараққиёт стратегиясида аҳоли саломатлигини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида 2022 йилда:

а) ҳудудларда бирламчи тиббий хизматини **“бир қадам”** тамойили асосида йўлга қўйиб, **105 та оилавий шифокор пункти** ва **31 та оилавий поликлиника** ташкил этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳудудларда тегишли қурилиш ишларини **2022 йил якунига қадар** якунлаш бўйича амалий чораларни кўрсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда** хусусий тиббиёт ташкилотларида Давлат бюджети ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволашга йўллашнинг электрон ахборот тизими орқали уларга бепул тиббий хизматларни кўрсатиш механизми жорий қилинишини таъминласин.

6. Халқ таълими вазирлиги (Б.Саидов) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.Мусаев) Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **2022 йил 1 июлга қадар:**

2022 йилда иқтидорли ўқитувчи ва шифокорларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда ошириш;

халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчи ва шифокорларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни **жадал ривожлантириш** ва **юқори ўсиш суръатларини** таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида:

а) 2022 йилда йиллик **инфляция** даражасини **9 фоизгача** ва 2023 йилда **5 фоиз** ҳамда **фискал тақчилликни 3 фоизгача** пасайтириш чоралари кўрилиб, кейинчалик инфляция ва Давлат бюджети тақчиллиги ушбу кўрсаткичдан ошмаслиги таъминлаб борилсин.

Бунда, давлат улушига эга **тижорат банкларида трансформация** жараёнларини якунлаб, **2026 йил якунига қадар** банк активларида хусусий сектор улуши **60 фоизгача** чиқарилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан биргаликда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларни **доимий равишда** кўриб борсин;

б) 2023 йилдан қўшилган қиймат солиғи ставкаси 12 фоизгача ҳамда банк, молия ва телекоммуникация каби тадбиркорлик йўналишларида **фойда солиғи** ставкаси 15 фоизгача **туширилсин**.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

в) “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чоралари кўрилсин.

Ушбу кўрсаткичларга эришиш мақсадида қуйидаги лойиҳалар Вазирлар Маҳкамасига киритилсин:

Энергетика вазирлиги (А.Султанов), Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) **2022 йил 1 мартга қадар** – қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий, тижорат ва маъмурий-маиший бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш дастурлари;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.Абдиназаров), Энергетика вазирлиги (А.Султанов) **2022 йил 1 июнга қадар** – саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича қарор.

8. Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ тумани учун махсус солиқ ставкаларини ўрнатиш тажрибаси асосида шароити “оғир” бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча қулайликлар яратиш ишлари давом эттирилсин.

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Кудбиев) билан биргаликда **2022 йил 1 октябрга қадар** шароити “оғир” бўлган ҳудудларда 2025 йил 1 январгача янги ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектларига айланмадан олинадиган солиқ ставкаси **1 фоиз** ставкада ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлари ҳисобланган суммадан **1 фоиз** ставкада тўлаш тизимини жорий этиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. 2022 йилдан бошлаб босқичма-босқич тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни ягона электрон реестрга киритиш тартиби жорий этилсин ҳамда такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талаблар қайта кўриб чиқилиб, ягона реестр 2025 йил 1 июлдан бошлаб тўлиқ ишга туширилсин.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.Қосимов) ва Савдо-саноат палатаси (А.Икрамов) билан биргаликда **уч ой муддатда** тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар хатловдан ўтказиб, уларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли йўналишлар бўйича ягона реестрга киритиш ҳамда ушбу реестрни **2025 йилга қадар тўлиқ ишга тушириш** юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

10. 2022 йил 1 апрелга қадар тадбиркорлик субъектларида масофавий (онлайн) фаолият кўрсатиш имкониятларининг мавжудлигидан ҳамда уларнинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш тартиб-таомиллари қуйидагиларни инобатга олган ҳолда соддалаштирилсин:

айрим фаолият турларига фақат малакавий талабларни белгилаш орқали бино ва иншоот, хона, асбоб-ускуна, техника воситалари, бошқа жиҳозлар ҳамда уларга бўлган шартларни бекор қилиш;

фаолият йўналишидаги эҳтиёждан келиб чиқиб мутахассисни танлаш ҳуқуқини бериш орқали штатида мавжуд бўлиши шарт бўлган ходимларга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш;

муайян фаолият билан кўчма тартибда, шу жумладан автотранспорт воситаларидан фойдаланган ҳолда шуғулланиш имкониятини яратиш;

хизмат кўрсатиш мамлакат ҳудудидан ташқарисида амалга оширилиши сабабли хориждан келган буюртмалар бўйича миллий стандарт ва талабларни бекор қилиш;

“боғловчи-оператор” сифатида масофавий хизматни кўрсатишга ихтисослашган тадбиркорлик субъектлари (агрегаторлар) фаолиятига доир махсус шартларни белгилаш орқали айрим лицензия ва бошқа рухсат этувчи ҳужжатларни олиш бўйича талабларни бекор қилиш.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** лицензия ва рухсат этувчи ҳужжатлар талабларининг мазкур бандга мувофиқ қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

11. Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва хусусий сектор учун кенг йўл очиш мақсадида эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ва давлат иштирокидаги компанияларни хусусийлаштириш ҳисобига **25 дан ортиқ фаолият тури бўйича монополиялар** тугатилсин:

2022 йилда – 14 та, шу жумладан сертификатлаштириш хизматлари;

2023-2025 йилларда – 11 та, шу жумладан нефть маҳсулотларини сақлаш, темир йўлларда ташишда қўшимча хизматларни кўрсатиш, аэровокзал ва вокзал олди комплексларини юритиш хизматлари, темир йўлда экспедиторлик хизматлари.

12. Тараққиёт стратегиясида ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар доирасида **ҳудудлар билан ишлашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи янги тартиби** ўрнатилсин:

2022–2026 йилларга мўлжалланган ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча **туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини** чуқур ўрганган ҳолда ҳудудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқилади;

ҳар чорак якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидаги** вазифаларнинг бажарилиши юзасидан халқ депутатлари Кенгашларига, Бош вазирнинг ўринбосарлари ҳамда вазирлик ва идоралар раҳбарлари эса Олий Мажлис палаталарига ҳисобот беради;

ижтимоий-иқтисодий соҳани ислоҳ қилиш ва устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган **муҳим лойиҳалар** барча ҳудудларнинг талаблари ва маҳаллий ташаббускорларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда **маҳаллий жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинганидан кейин** қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** 2022–2026 йилларга мўлжалланган республиканинг ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар лойиҳаларини тасдиқласин.

13. Давлат бошқаруви органларининг “Давлат – инсон учун” тамойили асосида **ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш** ҳамда уларнинг стратегик йўналишларни режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш мақсадида:

маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) **ҳокими ёрдамчилари** ҳамда **ёшлар етакчилари** томонидан доимий равишда маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасига кўра уларни ривожлантириш бўйича “йўл хариталари”ни ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилсин;

барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилсин;

давлат органларида муурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича дастурлар ишлаб чиқилиб, эълон қилиб борилсин;

давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бориш тизими яратилсин;

ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилсин.

Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **тўрт ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган тизимни самарали йўлга қўйиш юзасидан қарор лойиҳасини киритсин.

14. Давлат хизматлари қамрови ва тезкорлигини ошириш, уларнинг кўрсатилишида аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олинишини таъминлаш мақсадида **2022 йилда:**

фуқароларга ҳужжатларни бериш ва алмаштиришда, шунингдек ўзаро боғлиқ давлат хизматларини мурожаатни кутмасдан таклиф этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан туғилганлик тўғрисида ва ҳайдовчилик гувоҳномалари, шаҳодатнома ва диплом каби муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиёти бекор қилинсин;

кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва уларга замонавий технологияларни жорий этиш орқали қўшимча қулайликлар яратилсин.

Адлия вазирлиги (Р.Давлетов) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Шерматов) **2022 йил 1 октябрга** қадар давлат хизматлари тизимини халққа янада яқинлаштириш, навбатларни қисқартириш, давлат хизматларини рақамлаштириш ва хусусий секторга ўтказиш чораларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Тараққиёт стратегиясида **адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар доирасида **2022 йилда:**

ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам давлат ҳисобидан **бепул юридик ёрдам кўрсатиш** тартиби жорий этилсин;

қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбуриятини, уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартибига амал қилиниши қатъий таъминлансин;

ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона онлайн электрон реестр юритилиши йўлга қўйилсин.

16. Жазони ўтаб бўлган фуқароларнинг келгусида жамиятда ўз ўрнини топишига амалий кўмаклашиш учун **“дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”**ни бериш тизими жорий қилинсин.

Ушбу тизим доирасида жазони ўтаб бўлган ва ўзининг тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишларда аниқ лойиҳаларини тақдим этиб, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш амалиёти йўлга қўйилсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов), Молия вазирлиги (Т.Ишметов), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Хусанов) **уч ой муддатда** “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тизимини ишга туширишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов) ва Транспорт вазирлиги (И.Махкамов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **уч ой муддатда** ривожланган мамлакатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш бўйича дастур лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, йўл инфратузилмасини халқаро стандартларга мослаштириш, ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчиларга муносиб шароитларни яратиш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлашга ҳамда **“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали йўналтириладиган маблағлардан айнан мазкур йўналишда самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилсин.

18. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) ҳамда унинг ишчи гуруҳи таркиблари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия ва ишчи гуруҳ зиммасига Тараққиёт стратегиясига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш ва мониторинг қилиш, шунингдек, уни 2023–2026 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларининг тайёрланишини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

19. Белгилаб қўйилсинки:

Тараққиёт стратегиясини ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг устувор вазифаси ҳисобланади;

Тараққиёт стратегияси беш босқичда, юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилади.

20. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда “Тараққиёт стратегияси” маркази таъсисчиларининг “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ **тадқиқот ва “ақл” маркази сифатида қайта ташкил этиш** ҳамда қўйидаги қўшимча вазифалар юклатиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин:

тегишли йўналишларда аниқланган тизимли муаммоларни, жумладан бюрократик тўсиқлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, ишламаётган ҳуқуқий механизмлар, эскириб кетган қоидаларни умумлаштириш;

кўтарилаётган тизимли муаммолар ва Тараққиёт стратегиясида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, тегишли давлат органлари вакиллари билан учрашув ва мулоқотлар ташкил этиб бориш;

тадбиркорлар, олимлар, экспертлар ҳамжамияти ва жамоатчилик вакиллари билан бирга тизимли муаммоларни муҳокама қилган ҳолда, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

тегишли йўналишлар бўйича мавзули ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг натижалари бўйича илмий изланишлар олиб бориш.

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** “Тараққиёт стратегияси” марказининг фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, шунингдек ислохотларни амалга ошириш жараёнига жамоатчиликни жалб қилиш учун **“илмий майдон”** яратиш бўйича чораларни кўрсин.

21. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Ватандошлар” фондининг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнларига миллий ва халқаро ҳамжамиятни кенг жалб қилиб боришга қаратилган қўйидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган мақсадларга эришилганлик даражасини баҳолаб бориш мақсадида “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ҳузурида фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат йиллик муқобил ҳисоботлар тайёрлаб борувчи **Мустақил мониторинг ва баҳолаш жамоатчилиги гуруҳини** ташкил этиш;

ҳудудларда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, экспертлар ва маҳалла фаолларидан иборат **Тараққиёт стратегиясини қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги гуруҳларини** ташкил этиш ва тизимли равишда жамоатчилик эшитувларини ўтказиб бориш;

фуқаролар томонидан кўтарилаётган ташаббусларни умумлаштириб, фуқаролик жамияти институтларини жалб қилган ҳолда **жамоатчилик лойиҳаларини** илгари суриш.

22. “Тараққиёт стратегияси” маркази Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати юзасидан таҳлилий ва ахборот материалларини Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва оммавий ахборот воситаларида акс эттириб бориш чораларини кўрсин.

23. “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **бир ой муддатда** Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг **жойлардаги ижроси натижадорлигини аҳолига етказиш бўйича онлайн портални** ишга туширсин.

Бунда, чора-тадбирлар ижроси бўйича аҳолининг фикрлари, таклиф ва эътирозларини қабул қилган ҳолда илгари сурилган ташаббуслар тизимлаштирилиб, ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борилсин.

24. Вазирлар Маҳкамаси:

мунтазам равишда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этсин;

ҳар чоракда Тараққиёт стратегияси, Давлат дастури ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ижро этиш ҳолатини ҳар томонлама муҳокама қилиб, аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда уларга йўл қўйган мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш чораларини кўриб борсин;

Тараққиёт стратегиясини кейинги йилларда амалга ошириш бўйича йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини ўз вақтида тайёрлаб борилишини таъминласин.

25. Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига жойлаштирилишига амалий ёрдамни кўрсатиб борсин;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда Республика комиссиясига киритиб борсин.

26. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда:**

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

Тараққиёт стратегияси ва Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бориши ва натижалари тўғрисидаги ҳолис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ойда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар чоракда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси

I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ

1-мақсад: Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш.

Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни жойида ҳал этиш мақсадида маҳаллалар ваколатларини кенгайтириш, уларнинг молиявий мустақиллигини кучайтириш.

Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани таъминлаш, маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш.

Маҳалладан туриб барча давлат идораларига мурожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш.

Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.

Маҳаллалар учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш, барча маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчиларида бошқарув асослари, бандликни таъминлаш, банк-молия, томорқа, ер, чорвачилик ва паррандачилик бўйича кўникмаларни шакллантириш.

Тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси институтининг самарали фаолиятини йўлга қўйиш.

2-мақсад: Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш.

Халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш.

Халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш.

Маҳаллаларнинг жойлардаги вакиллик органлари билан, халқ депутатлари Кенгашларининг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликларнинг вазирликлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан алоқаларини мустаҳкамлаш.

Маҳаллий кенгашларнинг котибиятлари фаолиятини янада кучайтириш чораларини кўриш.

3-мақсад: Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш.

Жойлардаги масалаларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимликларнинг молиявий имкониятларини янада кенгайтириш ва ҳар бир вазифа ижроси, шунингдек сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш.

Маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантириш, шу жумладан ҳокимларни сайлаш тизимини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ҳудудий ижро органларининг штат бирлиги ва тузилмаларини белгилаш амалиётини босқичма-босқич кенгайтириш, ҳудудларда амалга ошириладиган вазифалар бўйича “ваколатлар реестри”ни шакллантириш.

Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот технологияларни кенг жорий қилиш, ҳудудларнинг **40 дан ортиқ**, жумладан транспорт, инфратузилма, ижтимоий ва бошқа соҳалар бўйича маълумотларни жамловчи таҳлилий геопорталларини ишга тушириш.

4-мақсад: Давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш.

Вазирлик ва идораларни ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ тартиби, уларни бир-биридан фарқловчи мезонларни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиб, амалдаги давлат бошқаруви тизимини қайта кўриб чиқиш.

Давлат бошқаруви органларининг штат бирликларини оширишга чеклов ўрнатишнинг тартибини ҳамда кадрлар ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича аниқ мезонларни белгилаш.

Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш, мазкур жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш.

Вазирлик ва идоралар фаолиятининг барча йўналишларини “Давлат – халқ хизматчиси” тамойили асосида фуқарога хизмат қилишга йўналтириш.

5-мақсад: Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиши учун зарур шароитларни яратиш, қабул қилинаётган қарорларнинг улар томонидан самарали ижро этилишини таъминлаш.

Давлат бошқаруви органларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларини режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш.

Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жараёнлари сифатини ошириш.

6-мақсад: Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш.

Хусусий секторга ўтказиладиган айрим давлат функциялари сонини **3 баробарга** ошириш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш ҳамда рақамли технологияларни кенг жорий этиш.

Давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш ҳамда давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш.

Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармаларининг самарали ишини ташкил этиш.

7-мақсад: Мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш.

Олий Мажлис палаталарининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтириш.

Барча соҳаларда вазиятни ҳар томонлама ўрганиш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун таъсирчан чоралар ишлаб чиқишда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш, қабул қилинган қонунларнинг амалиётда сўзсиз ва тўлиқ ижро этилишини таъминлашда парламентнинг иштирокини кенгайтириш.

Қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлик нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш.

Давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилиш доирасида парламент томонидан масъул ташкилотларга аниқ стратегик вазифаларни қўйиш ва натижага қараб уларга сўров юбориш амалиётини жорий қилиш.

Олий Мажлис палаталарида ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, шу жумладан масофавий ишлаш амалиётини кенг жорий қилиш, ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурлари муҳокамасида тегишли ҳудуддан сайланган депутат ва сенаторларнинг иштирокини кучайтириш.

“Электрон парламент” доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан боғлаш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиш жараёнини рақамлаштириш.

Қонунчилик палатаси бошқарув тизимининг самарадорлигини ошириш, парламент сайловларини илғор хорижий тажриба асосида янада такомиллаштириш.

8-мақсад: Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш.

Қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш амалиётини такомиллаштириш.

Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлиги, сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтириш.

Ҳуқуқ тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш.

Соҳаларда “тартибга солиш юки”ни камайтириш доирасида қонунчилик ҳужжатларини қисқартириш, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ваколатига эга давлат органлари доирасини қисқартириш, шунингдек ушбу ҳужжатлар сонини мақбуллаштириш ишларини давом эттириш.

9-мақсад: “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш.

Давлат хизматларини мобил иловалар орқали кўрсатишни кенгайтириш.

Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш.

“Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш.

Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлайдиган рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш.

Фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш.

Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш.

“Рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш.

“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.

Хориждаги Ўзбекистон фуқароларига давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш.

Давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг **20 фоизини** хусусий секторга ўтказиш.

10-мақсад: Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш.

Давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) асосида баҳолаш тизими бўйича “Миллий рейтинг” тизимини жорий этиш.

Давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимлари учун муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш.

Давлат хизматига кириш, захирани шакллантириш, баҳолаш ва хизматни ўташ билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи “Рақамли давлат хизмати” лойиҳасини амалга ошириш.

Давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича талабларни қайта кўриб чиқиш.

11-мақсад: Халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш.

Халқ билан очиқ мулоқотнинг механизмларини янада такомиллаштириш, муҳим қарорларни жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилиш амалиётини кенгайтириш.

Давлат органларига келиб тушган мурожаатларни жамловчи марказлашган тизимни яратган ҳолда уларни кўриб чиқиш муддати ва сифати устидан рақамли назорат ўрнатиш, аҳолининг кундалик турмуш тарзига бевосита таъсир қилувчи масалалар бўйича мурожаатлар тезкор ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлаш.

“Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт” ғоясини татбиқ этишни назарда тутувчи “Халқпарвар давлат” миллий дастури изчил амалга оширилишини таъминлаш.

Жамоатчилик палатасининг фаолиятини самарали ташкил этиб, унинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва аҳолини қийнаётган муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилаш жараёнига фаол жалб этиш.

12-мақсад: Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш, жамоавий мурожаатлар асосида ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари ижро сифатини текшириш амалиётини жорий этиш.

Айрим давлат функцияларини амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш, давлат органлари фаолиятини ўрганишда ижтимоий сўровлар ўтказиш ҳамда аниқланган камчиликларни очиқ муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш.

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва сайлов маданиятини ошириш, сайловларга оид халқаро стандартларни қонунчиликка имплементация қилиш ишларини давом эттириш.

Оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш, одамларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислохотларнинг ижроси аҳволини ўрганишда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш.

Ижтимоий шерикликнинг самарасини ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклларида қўллаб-қувватлаш ҳажмини икки баробарга ошириш.

Халқ депутатлари Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларига ажратилаётган маблағлар ҳажмини етти баробарга ошириш.

II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ

13-мақсад: Мулкий ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш.

Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш.

Хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш.

14-мақсад: Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсон қадрини ушбу жараённинг бош мезони сифатида белгилаш.

Маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш.

Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.

Фуқароларни яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш тизимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни якунига етказиш.

Жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимига инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш.

Ювенал адлия тизимини шакллантириш ҳамда бола ҳуқуқлари қонунчилигини кодификациялаш.

15-мақсад: Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш.

Маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш.

“Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш.

Суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишув тамойилларини рўёбга чиқариш.

Судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш.

Суд тизимини босқичма-босқич рақамлаштириш, бюрократик ғов ва тўсиқларни бартараф этиш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини тубдан ошириш.

Низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларида кенг фойдаланиш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, ярашув институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашда судьялар ҳамжамияти органларининг ролини янада ошириш, судьяларнинг ўзини ўзи бошқариш тамойилини кенг жорий этиш ҳамда судьяларга ғайриқонуний тарзда таъсир ўтказишнинг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш.

Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларига тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш.

Суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш.

16-мақсад: Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.

Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этган ҳолда фуқарони ички ишлар бўлимига текшириш учун олиб бориш амалиётидан воз кечиш.

Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда авария ва ўлим ҳолатларини қисқартириш, шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш.

17-мақсад: Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш.

Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш.

Қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш.

Тезкор-қидирув ва тергов фаолияти устидан назоратни кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини самарали ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш.

18-мақсад: Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш.

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш.

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишнинг муқобил, шу жумладан суддан ташқари усулларида фойдаланиш кўламини кенгайтириш.

Мажбурий ижро органлари фаолиятига халқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш ва айрим функцияларни (суд ҳужжатларидан ташқари) хусусий секторга ўтказиш, давлат ижрочилари иш юкларини камайтириш.

19-мақсад: Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш.

Адвокатура институтини тўлақонли ўз ўзини бошқариш тизимига ўтказиш, Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш, тизимга ёш малакали кадрларни жалб қилиш.

Адвокатлар малакасини ошириш тизимининг замонавий ва самарали механизмлари ва институционал асосларини шакллантириш.

Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш.

78-мақсад: Миллий кино санъатини ривожлантириш.

Кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик манба сифатида шакллантириш.

Кино саноатини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, шунингдек, хорижий кинокомпанияларни мамлакатга жалб қилиш ва ҳамкорликда фильмлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш.

Миллий мультимедиа индустриясини шакллантириш.

Кино саноатини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида ривожлантириш, замонавий ва юқори технологик моддий-техника базасига эга инфратузилмани яратиш.

Кинематография соҳасида кадрлар тайёрлаш, кино ижодкорлари ва техник ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш.

Миллий сериаллар ишлаб чиқаришни давлат томонидан рағбатлантириш, анимацион фильмлар ишлаб чиқаришга ёш мультимедиа ва аниматорларни кенг жалб қилиш.

Соҳада муаллифлик ҳуқуқининг кафолатли ҳимоя қилинишини таъминлаш, кинопрокат тизимини ривожлантириш ва миллий фильмларни жаҳон кино бозорларига олиб чиқиш.

VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ

79-мақсад: Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш.

Халқаро майдонда атроф муҳитга оид ташаббуслар, шу жумладан Бутунжаҳон экология хартиясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари суриш.

Атроф муҳитга таъсир хавфи юқори даража (I тоифа)даги объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан автоматик равишда намуналар олиш тизимини татбиқ этиш.

Атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, атроф муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф муҳитга таъсири устидан мониторингни амалга ошириш.

Республика ҳудудида амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш.

80-мақсад: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дарахт экиш. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда республиканинг **10 та** ҳудудида аэробизологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш.

Маиший чиқиндиларни йиғишни **100 фоизга**, уларни қайта ишлаш даражасини 2026 йилга қадар **21 фоиздан 50 фоизга** етказиш.

Республика бўйича **51 та** ер усти табиий сув объектлари (дарёлар, кичик дарёлар ва табиий кўллар)нинг санитария-муҳофаза зоналари ва соҳил бўйи минтақаларини белгилаш ишларини якунлаш.

Тошкент шаҳрини аҳолига қулай, экологик тоза ва яшаш учун барча имкониятлар мавжуд бўлган ҳудудга айлантириш, кўкаламзорлаштириш даражасини **30 фоизга** етказиш.

Орол денгизининг қуриган тубида қўшимча 500 минг гектар яшил майдонларни барпо этиб, 2026 йил якунига қадар уларнинг умумий ҳажмини 2,5 миллион гектарга ёки ҳудуднинг **78 фоизига** етказиш.

Оролбўйида халқаро “Яшил иқлим” ва Глобал экологик жамғармаларнинг биохилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ емирилишининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида **300 миллион АҚШ доллари** қийматидаги лойиҳаларни амалга ошириш

Шаҳар ва туман марказларида ҳар **50-100 минг** аҳоли учун “жамоат парклари”ни ташкил этиш.

Оролбўйи минтақасида яшовчи аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш.

81-мақсад: Ўрмонлар майдонини кенгайтириш

Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш.

Ўрмон фондининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари плантацияларини барпо қилиш.

Чўл ҳудудларида ўсимликларни кўпайтириш, ҳудудларда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш.

Суғориладиган ерларни эрозиядан ва мелиорация объектларини қум кўчишидан сақлаш учун ихота дарахтзорларини барпо этиш.

Давлат ўрмон фонди ерларида ўрмонлардан фойдаланиш, ўрмон фондини кенгайтиришни тартибга солиш.

Ўрмонларни қўриқлаш ва муҳофаза қилиш механизмини тубдан қайта кўриб чиқиш.

82-мақсад: Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг самарали механизмларини шакллантириш.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга имкон берадиган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича самарали давлат сиёсатини амалга ошириш.

Экстремизм ва терроризмни келтириб чиқарувчи омилларнинг олдини олишга қаратилган превентив механизмларни такомиллаштириш, ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёт ғоялар таъсирини олдини олиш ва уларнинг таъсирига тушиб қолганлар билан тизимли ишлаш орқали уларнинг муаммоларини бартараф этиш.

Аҳоли, айниқса ёш авлодда терроризм ва экстремизм мафкурасига қарши қатъий ва барқарор иммунитетини шакллантириш.

Экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда хорижий давлатлар, минтақавий ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини кенгайтириш.

Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалари, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, шунингдек, чет элга узоқ вақтга кетаётган ҳамда яшаб келаётган фуқаролар билан шуғулланувчи бошқа идораларнинг кадрлар салоҳияти ва ресурсларини мустаҳкамлаш.

Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан экстремизм, терроризм ва уларни молиялаштиришга қарши кураш соҳасида ахборот ҳамда тажриба алмашиш.

Фаолияти экстремизм ва терроризмга қарши курашишга қаратилган халқаро ва минтақавий ташкилотларда фаол иштирок этиш.

Марказий Осиёда БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни биргаликдаги ҳаракатлар режаси доирасида мувофиқлаштириш.

Марказий Осиёда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича биргаликдаги ишлар доирасида ахборот алмашинуви ва ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берувчи халқаро ташаббусларни амалга оширишда Ўзбекистоннинг ролини кенгайтириш.

Дунё ҳамжамияти ва минтақавий ташкилотлар эътиборини Афғонистонда тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга жалб қилиш борасидаги ташаббусларни жадаллаштириш ва ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнларига, шу жумладан экстремизм ва терроризмга қарши курашишга жалб қилиш.

83-мақсад: Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш.

Давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

Давлат хизматида манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни яратиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш.

84-мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш.

Коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.

Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш.

Коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш.

Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш.

85-мақсад: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш.

Камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Норасмий ишлаётган **2,5 миллион** нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш.

Аёллар орасидаги ишсизлик даражасини **2 баравар** камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада (“маҳаллабай” тамойили асосида) ижтимоий ишларни олиб бориш механизминини йўлга қўйиш.

Ҳудудлар, шаҳарлар ва туманлар кесимида камбағал тоифадаги оилалар, аёллар ва ёшларни ягона электрон ҳисобга олиш тизимини яратиш, камбағалликнинг қайта тикланиш хавфини бартараф этиш. Ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш.

Ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча эҳтиёжманд аҳолининг камида **85 фоизини** ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ва аҳоли қатламларига, шунингдек, вақтинчалик оғир шароитга тушиб қолган фуқароларга тўғридан-тўғри давлат ижтимоий ёрдамини кўрсатиш.

86-мақсад: Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш.

Ноқонуний ташқи меҳнат миграцияси ва одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш.

Хорижга ишлашга кетишдан олдин фуқароларни касб-ҳунарга ва чет тилларга ўқитиш, уларга касбий малакани тасдиқловчи халқаро сертификатлар бериш борасидаги чора-тадбирларни ҳаётга тизимли равишда ва жадал татбиқ этиш.

Меҳнат мигрантларини молиявий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш амалиётини кенгайтириш.

Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни реинтеграция қилиш, шу жумладан уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий малакасини ошириш ва тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш.

Хорижий давлатларда ишлаш истагида бўлган камида **300 минг нафар** фуқарони касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш. Хавфсиз, ташкиллаштирилган хорижий меҳнат миграциясига **400 минг нафар** фуқарони юборишни ташкил этиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда манзилли кўмак кўрсатиш.

“Ўз келажагимга ўзим инвестор” лойиҳасини самарали амалга оширишни таъминлаш.

87-мақсад: “Ватандошлар” жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларни Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишга фаол жалб қилиш.

Хориждаги ватандошлар ва улар томонидан тузилган жамоат бирлашмаларни қўллаб-қувватлаш. Юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш.

Хорижда истиқомат қилаётган ватандошлар билан ҳамкорлик ўрнатиш ва олиб бориш соҳасида юзага келаётган муаммоларни тизимли асосда таҳлил қилиб бориш ва уларнинг ечими юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш.

Хорижда ўзбек тили, маданияти ва анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш.

Хориждаги ватандошларнинг салоҳиятини Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга жалб этиш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриш.

88-мақсад: Пандемияларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш.

Пандемия ва шу каби офатлар билан боғлиқ жараёнларнинг барвақт олдини олиш, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг ечимига аниқ режа ва чоралар билан тайёр туриш тизимини яратиш.

Касалликларни енгиш йўлида барча давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш.

Беморларни даволаш бўйича телемедицина орқали олиб бораилаётган мулоқотларни кенгайтириш, халқаро тажрибалар ва тавсияларни фаол жорий этиш.

Коронавирус қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодий ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш учун аҳолининг энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш, нарх-навонинг ошиб кетмаслигига эришиш ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш.

VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁСАТ ОЛИБ БОРИШ

89-мақсад: Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш.

Ахборот соҳасини тартибга солувчи ягона тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.

Фуқароларнинг ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш.

Шахсий ва сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни Интернет тармоғида ошкор қилиш билан боғлиқ дахлсизлик ҳуқуқи бузилишининг олдини олиш.

Кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш.

90-мақсад: Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш.

Барча бўғиндаги ҳокимият органлари раҳбарларининг қўшинлар кундалик ҳаётида, ҳарбий шаҳарчалар барпо этиш, уларнинг инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этишини таъминлаш.

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш, Қуролли Кучларнинг барча давлат идоралари, муассаса ва корхоналар учун етук кадрлар тайёрлайдиган мактабига айланишига эришиш.

Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш ва мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш.

Қуролли Кучлар ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштиришни янада такомиллаштириш.

Қуролли Кучларда ягона ахборот коммуникация тизимини яратиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

Мудофаа вазирлиги қўшинларининг жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техника базасини янада такомиллаштириш.

Фуқароларнинг ҳарбий хизматни ўташ тартибини янада такомиллаштириш.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига номзодларни саралаш ва танлаб олиш тизимини янада такомиллаштириш.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини яратиш тизимини ривожлантириш.

Мудофаа вазирлиги тизимида геральдика ишларини самарали йўлга қўйиш.

Қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш.

91-мақсад: Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш.

Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш.

Қуролли Кучларда ахлоқий-руҳий таъминотни ва ҳарбий психологлар институтини янада такомиллаштириш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш.

Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини янада кучайтириш.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм ва муассасаларида мавжуд хотин-қизлар ва ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассислар иш фаолияти самарадорлигини ошириш.

92-мақсад: Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Республика махсус қутқарув марказини INSARAG (қидирув-қутқарув масалалари бўйича халқаро маслаҳат гуруҳи) стандартлари асосида тайёргарликдан ўтказиш.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги авиация хизматини ташкил этиш.

Республиканинг туристик зоналарида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва тезкор бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни тизимлаштириш.

Аҳолини фавқулодда вазиятларда хабардор қилиш тизимини модернизациялаш.

Республиканинг олис ҳудудларини профессионал ва кўнгилли ёнғин-қутқарув бўлинмалари билан қамраб олиш кўрсаткичини яхшилаш.

Ёнғин-техник воситаларни ишлаб чиқаришга хусусий секторни жалб этиш.

Ўрмон ёнғинларини бартараф этиш тадбирлари самарадорлигини ошириш.

93-мақсад: Мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш.

Ҳамкор мамлакатлар билан ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, улар билан икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамда турли даражадаги маслаҳатлашувларни ташкил этиш.

Етакчи давлатлар билан кенг қамровли ҳамкорликни стратегик даражага олиб чиқиш ҳамда улар билан кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни келишиш.

Йирик тадбирларда (халқаро ташкилотлар доирасида ва хорижий ҳамкорлар билан шерикчилик асосида ҳамда икки томонлама ҳамкорлик даражасидаги конференция, форум, семинар ва давра суҳбатлари) минтақавий ва халқаро масалалар бўйича Ўзбекистон позицияси ҳамда умумжаҳон миқёсидаги ташаббусларини илгари суриш.

94-мақсад. Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш.

Марказий Осиё давлатлари билан олий даражадаги мулоқот ва икки томонлама ҳамкорликнинг барча форматдаги механизмлари асосида (ҳукуматлараро комиссиялар, сиёсий маслаҳатлашувлар, парламентлараро ҳамкорлик комиссияси ва бошқалар) йиғилишларни ташкил этиш.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ҳар йили мунтазам ташкил қилишни таъминлаш ва уларда фаол иштирок этиш.

Марказий Осиё бўйича минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш ишларини бошлаш.

Минтақавий ташкилотлар доирасида Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини фаол илгари суриш.

Ўзбекистон Республикасининг чегараолди назорат-ўтказиш пунктларини реконструкция қилиш ва кенгайтириш орқали уларнинг ўтказувчанлигини ошириш.

Марказий Осиёда экология, атроф-муҳитнинг ифлосланишини олдини олиш ва табиатни муҳофаза қилиш борасида ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари музейлари ҳамда архивлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, икки мамлакат тарихи ва маданиятини акс эттирувчи каталогларни биргаликда нашр этиш.

Туризм соҳасида янги воқелик ва эпидемиологик талабларни ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш.

Марказий Осиё давлатларида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси мухбирлик пунктларини очиш.

Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва Европа Иттифоқи (ЕИ) институтлари билан савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларини ривожлантиришга қаратилган ҳамкорлик шакллари қўллаб-қувватлаш.

95-мақсад: Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш.

Олий даражадаги ташрифлар орқали Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чет элларда мамлакатимизнинг янги дипломатик ваколатхоналарини очиш.

Миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва уни фаоллаштириш.

Осиё-Тинч океани минтақасидаги анъанавий стратегик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш (Хитой, Корея Республикаси, Япония).

Осиё-Тинч океани мамлакатларининг истиқболли бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатурасини ошириш.

АҚШ, Канада ва Америка мамлакатлари билан стратегик ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.

АҚШ ишбилармон доира вакиллари билан инвестицион, экспорт ва илғор технологиялар соҳаларидаги ҳамкорликни кучайтириш.

Жанубий Осиё, Яқин, Ўрта Шарқ ва Африка минтақасидаги ҳамкорлар билан мавжуд алоқаларни янада кенгайтириш (Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Қатар, Покистон, Ҳиндистон, Эрон).

Араб давлатлари (БАА, Саудия Арабистони, Қувайт, Қатар, Миср) билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни жадаллаштириш.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан кўп қиррали муносабатларини ривожлантириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига кўмаклашиш.

Жанубий Осиё, Яқин, Ўрта Шарқ ва Африка мамлакатларининг истиқболли бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатурасини ошириш.

МДҲ мамлакатлари доирасидаги анъанавий стратегик шериклар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш.

МДХ мамлакатларининг истиқболли бозорларига экспорт ҳажми ва номенклатурасини ошириш.

96-мақсад: Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий ва гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш.

Ўзбекистонни БМТ тузилмалари орқали дунё ҳамжамиятига кенг танитиш.

Ўзбекистон Раҳбариятининг БМТ доирасидаги ташаббусларини амалга оширишни таъминлаш.

БМТ ва унинг муассасалари билан иқтисодий-молиявий ва консултив ҳамкорликни ривожлантириш.

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан маданий-гуманитар ҳамкорликни жадаллаштириш.

БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари доирасида ўтказиладиган сиёсий-дипломатик ва тарғибот-ташвиқот тадбирлари миқёсини кенгайтириш.

БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват” ташаббусини илгари суриш учун барча шериклар билан яқин ҳамкорликни давом эттириш.

97-мақсад: Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо давлатлар билан музокаралар ўтказиш.

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг Жаҳон савдо ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими соҳасида салоҳиятини ошириш.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария ва фитосанитария чоралари ва интеллектуал мулк ҳимояси соҳаларида миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти битимларининг талабларига мувофиқлаштириш бўйича тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг металлургия, тўқимачилик, озиқ-овқат, автомобиль ишлаб чиқариш соҳаларига таъсирини ўрганиш.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг миллий иқтисодиётга таъсирини ўрганиш.

Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ бўлган ички бозорни нотариф чоралар орқали ҳимоя қилиш тизимини ривожлантириш.

Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мувофиқ бўлган экспортни қўллаб-қувватлаш ва субсидиялаш чораларини ишлаб чиқиш.

Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи бозорига самарали кириш учун техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш масалалари бўйича миллий сиёсатни Иттифоқ тажрибаси асосида янада такомиллаштириш.

Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи тўғрисидаги шартномани чуқур таҳлил қилиш ва тегишли таклифларни ишлаб чиқиш.

Евроосиё Иқтисодий Иттифоқининг умуммиллийдан устувор бўлган савдо сиёсатини ҳамда учинчи давлатлар билан келишувларини ўрганиш.

98-мақсад: Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имиджини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш.

“Дунё” ахборот агентлиги фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

Жаҳондаги етакчи ахборот агентликлари билан ҳамкорликни янада жадаллаштириш.

Ўзбекистон имиджини жаҳон саҳнасида илгари суришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш, мамлакатимизда ислохотларнинг бориши, жамиятни демократик янгилаш жараёнлари ҳақида холис ахборот тарқатишнинг самарали давом эттириш.

Хорижий давлатларда ўзбек тили, маданияти ва миллий анъаналаримизни кенг оммалаштириш, гуманитар алоқаларни мустақамлашдан иборат бўлган Алишер Навоий халқаро институтини ташкил этиш.

Хорижда кенг ахборот кампаниясини ўтказиш, жумладан, нуфузли хорижий оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон ҳақидаги материалларни эълон қилишни ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикасининг асосий дипломатик ваколатхоналарига молиявий ресурслар ажратиш.

Европа мамлакатларининг сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, ишбилармон, маданий-гуманитар ва таҳлилий доиралари вакиллари билан доимий музокаралар олиб бориш, уларга Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар тўғрисида холис ахборот етказиш.

Хорижда кенг мақсадли тарғибот тадбирларини, жумладан, “Ўзбекистон маданият кунлари”, давра суҳбатлари, кўргазмаларни ўтказиш.

Чет элларда Ўзбекистоннинг ютуқларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун Ватандошлар ресурсларини жалб қилиш.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни халқаро медиа маконда холисона ёритишга қаратилган ҳамкорликни кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва соҳада мавжуд муаммоларни ўрганиш, уларни бартараф этиш ҳамда истиқболларни белгилаб олиш учун қулай медиа-майдон яратиш.

Халқаро ахборот бозорларига чиқиш, Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари суриш механизмлари, воситалари ва каналларини биргаликда ишлаб чиқиш, халқаро майдонда PR-шериклик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида етакчи хорижий оммавий ахборот воситалари билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

99-мақсад: Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Жанубий Осиё, Яқин, Ўрта Шарқ ва Африка давлатлари билан иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш (Саудия Арабистони, БАА, Қувайт, Қатар, Покистон, Ҳиндистон, Эрон).

МДҲ ҳудудидаги ва Америка минтақасидаги кучли иқтисодга эришган давлатлар билан иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятини тартибга солишнинг замонавий механизмларини жорий этиш.

Дипломатик хизмат фаолиятини замон талабларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама ҳамкорлигининг шартномавий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ягона тарзда ҳисобга олиш, хатловдан ўтказиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишга мўлжалланган электрон маълумотлар базасини ишлаб чиқиш.

100-мақсад: Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг чет эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.

Ташқи ишлар вазирлиги, хориждаги Ўзбекистон Республикаси ва чет эл фуқароларига консуллик хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг хизмат кўрсатиш қамровини кенгайтириш.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид
ДАВЛАТ ДАСТУРИ

T/p	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаш- тириш манбалари)	Назорат қилувчилар	Масъул ижрочилар
I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ (Масъуллар – Т.Нарбаева ва Н.Исмоилов)							
1-мақсад. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш							
1.	Худудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатларини кенгайтириш.	1. Маҳаллалар томонидан ҳал қилинадиган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг рўйхатини тузиш амалиётини йўлга қўйиш. 2. Маҳалланинг молиявий имкониятларини кенгайтириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров , Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев	Молия вазирлиги Т.Ишметов , Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов , Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов
2.	Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизимини яратиш.	1. Аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан видеоалоқа орқали мулоқотни босқичма-босқич ташкил этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев , Ўзбекистон Республикаси	Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , Маҳалла ва оилани қўллаб-

		<p>Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг маҳаллалар билан самарали алоқаларини йўлга қўйиш.</p> <p>2. Давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Маҳалла фаолиятида қоғозбозликни камайтириш мақсадида тақдим этилиши лозим бўлган ҳисоботлар хатловдан ўтказилиб, кескин камайтириш ҳамда уларнинг тугал рўйхатини тасдиқлаш, шунингдек, уларни тўлдириш ва тақдим этиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш.</p>				<p>Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усманов, Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)</p>	<p>қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Давлат хизматлари агентлиги (лавозим бўйича)</p>
		<p>3. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида аризаларни электрон кўринишда онлайн режимида 2023 йил якунига қадар 70-80 фоиз қабул қилишни таъминлаш бўйича чораларни кўриш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил якунига қадар	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров , Ўзбекистон Республикаси	Молия вазирлиги Т.Ишметов , Ахборот технологиялари вазирлиги
		<p>4. Маҳалла орқали расмийлаштириладиган ва олинадиган барча турдаги ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамни тайинлаш бўйича ҳужжатларни онлайн (электрон) тарзда тақдим этиш тизимини жорий этиш.</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар	2022 йил июнь	Ҳисоб-китобларга асосан	Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев	Адлия вазирлиги Р.Давлетов
3.	<p>Фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни таъминлаш.</p>	<p>1. Маҳаллаларда аҳоли билан ишлашга қаратилган жараёнларни рақамлаштириш орқали “Ижтимоий маҳалла” тизимини яратиш.</p> <p>2. “Ижтимоий маҳалла” тизими доирасида маҳаллалардаги шарт-шароитлар, инфратузилма ва объектлар аҳволи, қурилиш ва ободонлаштириш</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев ,	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов , Адлия вазирлиги Р.Давлетов ,

		<p>ишларининг бориши, экологик вазият ва бошқа масалаларни фуқаролар томонидан виртуал мониторинг (мобил илова, ижтимоий тармоқлар ва ҳ.к.) қилиш амалиётини жорий этиш.</p> <p>3. “Ижтимоий маҳалла” тизими орқали маҳаллада аҳволни ўрганиш юзасидан ижтимоий сўровлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>4. Маҳаллаларнинг ўз ҳудудларида жойлашган коммунал, бандлик, солиқ, ободонлаштириш соҳалари ва таълим муассасалари билан алоқалар самарадорлигини қайта кўриб чиқиш.</p>				<p>Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)</p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов</p>
4.	<p>Маҳаллаларнинг жамоатчилик билан алоқаларини кучайтириш чораларини кўриш.</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва мессенджерларда маҳалла юзасидан билдирилаётган танқидий ахборотлар билан ишлаш, шу жумладан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этишнинг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чоралар кўриш, мутасадди вазирлик ва идоралар билан ўзаро ахборот алмашиш тизимини такомиллаштириш.</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чоратadbирлар	2022 йил июнь	–	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев, Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)</p>	<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Д.Саиджонов</p>

5.	<p>Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали йўлга қўйишга кўмаклашиш.</p>	<p>Маҳалла ҳудудида, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида спорт ва маданий иншоотлар, ижодий клублар, бандликка кўмаклашиш ва ўқитиш марказлари, тадбиркорлик объектлари каби инфратузилмани яратишни назарда тутувчи ҳоким ёрдамчилари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган намунавий концепциясини тасдиқлаш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил май</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев, Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (<i>лавозим бўйича</i>)</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов</p>
6.	<p>Маҳаллаларнинг “ўсиш нуқталари” ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги ихтисослашувидан келиб чиқиб, уларда истиқомат қилиб, фаолият юритувчи аҳолини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини кучайтириш.</p>	<p>1. Маҳаллада бир турдаги ихтисослашувда фаолият юритаётган аҳолини қўллаб-қувватлаш бўйича чоратадбирларни ишлаб чиқиш. 2. Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича ҳоким ёрдамчиларининг асосий вазифаларидан бири сифатида йил давомида маҳаллани ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида уни ўрта ва қисқа муддатда ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	<p>Ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар</p>	<p>2022 йил август</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Гулямов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Савдо-саноат палатаси А.Икрамов,</p>

							Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
7.	Маҳаллаларнинг институционал асосларини такомиллаштириш , мазкур тизим учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш .	1. Фуқароларнинг камида учдан бир қисми ташаббуси билан маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш тартибини жорий этиш. 2. Маҳаллалар жойлардаги вакиллик органлари билан доимий алоқаларининг ҳуқуқий асосларини яратиш. 3. Маҳалла тизими учун юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш тизимини ташкил этиш.	Қонун лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2022 йил апрель 2022 йил давомида	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов , Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов
2-мақсад. Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш							
8.	Халқ депутатлари Кенгашларида доимий асосда фаолият юритувчи депутатлар корпусини шакллантириш ҳамда уларнинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқ белгилаш орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш.	1. Туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида айрим депутатларнинг доимий асосда ишлаши тартибини жорий этиш. 2. Маҳаллий кенгашлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. 3. Маҳаллий Кенгашларнинг назорат функцияларини кенгайтириш, уларни тизимлаштириш мақсадида “Халқ депутатлари Кенгашлари назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси Қонун лойиҳаси Қонун лойиҳаси	2022 йил май 2022 йил июль 2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга асосан – –	Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Олий Мажлис Сенати сенаторлари (келишув асосида), Адлия вазирлиги Р.Давлетов

9.	Халқ депутатлари Кенгашларининг ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишдаги ваколатларини янада кенгайтириш.	<p>1. Ичимлик ва оқова сув, ички йўллар ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш, бандлик дастурларини тасдиқлаш каби масалаларни туман (шаҳар) халқ депутатлари Кенгашлари ваколатига ўтказиш.</p> <p>2. Ҳудудларда давлат таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва таъмирлашга ажратиладиган маблағларни тақсимлаш ваколатини вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига ўтказиш.</p> <p>3. Ҳудудларни комплекс ижтимоий ривожлантиришга масъул бўлган давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш тизимини қайта кўриб чиқиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил май	–	Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги А.Бобоев , Молия вазирлиги Т.Ишметов , Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Н.Назиров , Транспорт вазирлиги А. Мўминов , Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Э. Муҳитдинов
3-мақсад. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш							
10.	Маҳаллий ижро ҳокимияти органларини демократик тамойиллар асосида шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.	<p>1. Туман ва шаҳар ҳокими лавозимига номзод илгари сурилиши тартибини қайта кўриб чиқиш.</p> <p>2. Ҳокимликка номзод маҳаллий Кенгашда ҳудудни ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилиб, лавозимга тасдиқланиши тартибини жорий этиш.</p> <p>3. Маҳаллаларнинг жойлардаги вакиллик органлари билан, маҳаллий Кенгашларнинг Олий Мажлис Сенати билан, ҳокимликларнинг вазирликлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари билан алоқаларини мустақамлаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил март	–	Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Олий Мажлис Сенати сенаторлари (келишув асосида), Давлат бошқаруви академияси А.Бекмуродов

		<p>4. Ҳудудларда амалга ошириладиган давлат органларининг вазифалари бўйича “ваколатлар реестри”ни шакллантириш, такрорланадиган 500 дан ортиқ функцияларни мақбуллаштириш.</p> <p>5. Маҳаллий ҳокимликларнинг ҳар бир вазифа ижроси, шунингдек сарфланаётган маблағлар юзасидан жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлигини ошириш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Эксперимент тариқасида 28 та туман ва шаҳарда ҳудудни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳокимликлар ваколат ва имкониятларини кенгайтириш.	<p>1. Эксперимент амалга ошириладиган туман ва шаҳарларни белгилаш.</p> <p>2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз туман (шаҳар) ҳокимликларининг ҳамда ҳудудий ижро идораларининг штат бирлиги ва тузилмаларини маҳаллий Кенгашлар билан келишилган ҳолда белгилаш амалиётини жорий қилиш.</p> <p>3. Ҳудудни ривожлантириш ва муаммоларни ҳал қилишда ҳокимликларга қўшимча ваколат ва имкониятлар яратиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Молия вазирлиги Т.Ишметов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов
12.	Маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилашга оид қонуний асосларни яратиш орқали алоҳида қонунларни қабул қилиш.	<p>1. Маҳаллий Кенгашлар ҳамда ҳокимларнинг ваколатларини аниқ белгилаш.</p> <p>2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармалари (бўлинмалари) билан ўзаро муносабатларининг аниқ механизмларини белгилаш.</p> <p>3. Ҳокимликлар ва маҳаллий Кенгашлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар турларини аниқлаштириш.</p>	Қонун лойиҳалари	2022 йил декабрь	–	Олий Мажлис палаталари <i>(келишув асосида)</i>	Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги М.Убайдуллаев, Молия вазирлиги Т.Ишметов

13.	<p>Маҳаллий бошқарув фаолиятига ахборот-технологияларини кенг жорий қилиш.</p>	<p>1. Ҳудудлар кесимида тизимлаштирилувчи 40 дан ортиқ соҳалар бўйича маълумотларни аниқлаштириш.</p> <p>2. Ушбу маълумотларни жамловчи таҳлилий геопорталларни ишга тушириш чораларини кўриш.</p>	Чора-тадбирлар	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров , Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев , Статистика қўмитаси Б.Бегалов Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов
		<p>3. “Рақамли халқ депутатлари Кенгаши” лойиҳаси доирасида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.</p> <p>Бунда: маҳаллий Кенгашларнинг йиғилишларини ўтказишда ортиқча сансалорликларни бартараф этиш; маҳаллий Кенгашлар томонидан ҳудудий ижро органларини назорат қилиш доирасидаги ҳисоботлар, қарорлар, сўровлар ва бошқа ҳужжатлар ҳамда уларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотларни эълон қилиб бориш амалиётини жорий этиш назарда тутилади.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	департаменти бошлиғи (<i>лавозим бўйича</i>)	Олий Мажлис палаталари (<i>келишув асосида</i>), Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

4-мақсад. Давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш							
14.	Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш, мазкур жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш.	1. Барча турдаги давлат назоратини тизимлаштириш ва уларни амалга оширишнинг аниқ механизм ва тартиб-таомилларини белгилаш мақсадида “Давлат назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил декабрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Коррупцияга қарши курашиш агентлиги А. Бурханов , Бош прокуратура Н.Йўлдошев
		2. Давлат бошқаруви органлари ҳузуридаги инспекциялар фаолиятида манфаатлар тўқнашуви вужудга келишини бартараф этиш чораларини кўриш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси	2022 йил декабрь	–		
15.	Давлат бюджети харажатлари самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш.	1. Давлат молиявий назорати органлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш. 2. Бюджет қонунчилиги бузилишининг профилактикаси ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш. 3. Бюджет ташкилотларидаги иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланиши таъминлашга қаратилган ахборот тизимларини такомиллаштириш. 4. Давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилаётган қурилиш объектларида бажарилаётган иш ҳажмлари ҳамда белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш тизимини жорий этиш. 5. Ички аудит хизмати ходимларини малакасини ошириш ва сертификатлаш тизимини яратиш.	Ўзбекистон Республикаси и Президенти қарори лойиҳалари	2022 йил февраль		Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров , Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.Гулямов	Молия вазирлиги Т.Ишметов , Ҳисоб палатаси Б. Турабов

		<p>6. Давлат харидлари соҳасидаги қонунбузилиш ҳолатларни олдини-олиш чораларини кўриш.</p> <p>7. Давлат томонидан субсидия ажратишни мувофиқлаштириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириб бориш бўйича ягона давлат органини белгилаш.</p> <p>8. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформаси орқали амалга ошириш тизимини жорий этиш.</p> <p>9. Ажратилган субсидия ва улардан эришилган натижалар тўғрисидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тартибини белгилаш.</p>					
5-мақсад. Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш							
16.	Давлат бошқаруви органлари раҳбарлари томонидан ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ўзлари мустақил ҳал этиши ва ташаббус кўрсатиши учун зарур шароитларни яратиш.	<p>1. Вазирлик ва идоралар штат бирликлари сонини Молия вазирлиги томонидан белгиланган чеклов доирасида уларнинг раҳбарлари томонидан мустақил белгилаш, ходимларга иш ҳажми ва самарадорлигига қараб маош тўлаш тартибини жорий қилиш.</p> <p>2. Вазирлик ва идоралар раҳбарлари томонидан мустақил ҳал этиладиган ташкилий-ҳуқуқий масалалар доирасини белгилаш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси	2022 йил октябрь	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси биринчи ўринбосари К.Куранбаев, Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Молия вазирлиги Т.Ишметов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов
17.	Давлат бошқаруви органларининг ҳудудий масалаларни ҳал қилишдаги масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш ҳамда уларнинг стратегик йўналишларини	1. Барча бўғиндаги давлат бошқаруви органларининг бир йиллик иш дастурини, шу жумладан жамоатчилик иштирокида ишлаб чиқиш, уларнинг ижро ҳолатини доимий эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил май	–	Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Нарбаева (<i>келишув асосида</i>), Ўзбекистон Республикаси Президенти	Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги

	режалаштиришга қаратилган янги тизим яратиш.	<p>2. Давлат органларида мурожаатларни таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ва жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш натижаларидан келиб чиқиб, ҳудудлар (туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла) кесимида ўз тузилмаларининг фаолияти бўйича очиқ дастурлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Давлат бошқаруви органлари ҳудудлар бўйича қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлашга қаратилган ягона назорат тизимини яратиш.</p> <p>4. Давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ижро этилиши жараёнини жамоатчилик томонидан кузатиб бориш тизимини яратиш.</p> <p>5. Ҳар бир тармоқ ва ҳудуд бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси юзасидан раҳбарларнинг ҳисобот бериш тизимини такомиллаштириш.</p>				биринчи ўринбосари К.Куранбаев	<p>О.Хасанов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги</p> <p>А.Бурхонов, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги</p> <p>А.Ходжаев, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги</p> <p>И.Норқулов</p>
		6. Мухим ижтимоий-масалалар бўйича очиқ маълумотларнинг доирасини янада кенгайтириш ва мазкур маълумотлардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил ноябрь	–	Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида)	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги А.Бурханов , Адлия вазирлиги Р.Давлетов
18.	Вазирлик ва идораларда иш юритиш ва маъмурий бошқарув жараёнлари сифатини такомиллаштириш.	<p>Вазирлик ва идоралар фаолиятига сифат менежменти тизимининг халқаро стандартини (ISO: 9001) жорий қилиш.</p> <p>Бунда, ушбу тизимни 2022 йилнинг якунига қадар вазирлик ва идораларнинг 30 фоизида жорий қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил якунига қадар	–	Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Д. Сатторов , вазирлик ва идоралар

6-мақсад. Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш

19.	Айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш.	Хусусий секторга ўтказиладиган ва уларни жалб қилиш мумкин бўлган айрим давлат функцияларини ошириш. Бунда: айрим соҳалардаги давлат назорати, шу жумладан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, дори воситаларини сертификатлаштириш каби функцияларга хусусий сектор вакилларини жалб қилиш; хусусий секторни жалб қилиш самарадорлиги юқори бўлган соҳаларни аниқлаб, айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш назарда тутилади.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил декабрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов , Адлия вазирлиги Р.Давлетов
20.	Давлат бошқарувини номарказлаштириш ишларини жадаллаштириш.	1. Давлат бошқарувини номарказлаштириш ҳисобига маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва ҳудудий давлат бошқаруви органларининг жойларда масалаларни ҳал қилишдаги ролини ошириш. 2. Республика давлат бошқаруви органларининг функция ва ваколатларини ҳудудий давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказишнинг тартибини ишлаб чиқиш. 3. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ҳудудий бошқармаларининг самарали ишини , шу жумладан рақамли технологияларни жорий қилган ҳолда ташкил этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил декабрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов , Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов

7-мақсад. Мамлакатимиздаги ислохотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш

21.	Олий Мажлиснинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш.	<p>1. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари сонини кўпайтириш орқали қонунчиликдаги муаммоларини вақтида олдини олиш тизимини яратиш.</p> <p>2. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг Олий Мажлисдаги доимий вакили институтини амалдаги штат бирликлари доирасида таъсис этиш.</p> <p>3. Доимий вакилларнинг ҳуқуқий мақоми, ваколат ва мажбуриятларини қонунчиликда белгилаш.</p> <p>2. Бюджетноманинг Ҳукумат томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига киритилиши муддатини қатъий белгилаш. Бунда Бюджет кодексининг тегишли моддасидан “қоида тариқасида” сўзларини чиқариш назарда тутиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил ноябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов ва Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида), Адлия вазирлиги Р.Давлетов
22.	Олий Мажлис палаталарининг мамлакатнинг ички сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтириш ишларини давом эттириш.	<p>1. Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижроси боришини назорат қилиш доирасида парламент томонидан масъул ташкилотларга аниқ стратегик вазифаларни қўйиш ва улардан натижага қараб сўров қилиш амалиётини жорий қилиш.</p> <p>2. Ҳудудларни ривожлантириш ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда ҳудуддан сайланган депутат ва сенаторларнинг иштирокини кучайтириш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил июнь	–	Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов , Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида)	Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида)
23.	Қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмлари самарадорлигини ошириш.	1. Қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жараёнларида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш орқали жамоатчиликнинг давлат бошқарувидаги ташаббускорлигини ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил июль	–		Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида)

		<p>2. Парламент назоратини биргаликда амалга ошириш бўйича Олий Мажлис палаталари томонидан келишилган ҳолда қарорлар қабул қилиш ҳамда уларнинг ижросини жойларда маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан биргаликда таъминлаш амалиётини жорий этиш.</p> <p>3. “Ҳукумат соати”ни ўтказиш доирасида давлат бошқаруви органи раҳбариятига депутатлар томонидан онлайн равишда фуқаролардан келиб тушаётган тизимли муаммолар бўйича саволлар бериш тартибини жорий этиш.</p> <p>4. Олий Мажлис палаталари расмий веб-сайтларида парламент назорати тадбирларининг якунлари бўйича қабул қилинган қарорлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириб бориш амалиётини йўлга қўйиш.</p>					
24.	Олий Мажлис палаталарининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлигини кучайтириш.	<p>1. Парламентнинг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорлик қилиш бўйича йиллик “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. “Қонунчилик палатаси депутати – унинг ёрдамчиси – маҳаллий Кенгаш депутати” тизими асосида қонун лойиҳалари бўйича фикр ва таклифларни олиш, амалиётдаги муаммоларни таҳлил қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш.</p> <p>3. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида, парламент назорати тадбирларида маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари вакилларининг иштирок этиши, уларнинг фикрларини олиш амалиётини йўлга қўйиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил июнь	–	Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов , Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида)	Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида), вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари

25.	<p>Қабул қилинган қонунларнинг сўзсиз ва тўлиқ ижро этилишини таъминлашда парламентнинг иштирокини кенгайтириш.</p>	<p>1. Парламент палаталарида қонунларнинг амалиётдаги ижросини доимий мониторингни олиб боришда, парламент ҳузуридаги махсус тузилмалар, шу жумладан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти салоҳиятидан кенг фойдаланиш.</p> <p>2. Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш. Бунда:</p> <p>институт томонидан депутат ва сенаторларни қонунларнинг ижроси бўйича ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётини кенгайтириш;</p> <p>институтни парламентнинг истиқболли режа ва дастурларини ишлаб чиқадиган, турли таклифларни таҳлил қиладиган ва зарур тавсия берадиган илмий марказга айлантириш назарда тутилмоқда.</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чоралар	2022 йил якунига қадар	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов , Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида)	Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида)
26.	<p>“Электрон парламент” лойиҳаси доирасида депутатларни ўз сайловчилари билан, сенаторларни ҳудудлардаги фуқаролар билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш, аҳоли билан очиқ мулоқотни амалга ошириш учун рақамли платформа яратиш.</p>	<p>1. Парламент палаталари аъзоларининг сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориши, сайловчиларни қийнаётган муаммоларни муҳокама қилиш ва ҳал этиши жараёнини рақамлаштириш.</p> <p>2. Депутатларни ўз сайловчилари билан боғлаш, улар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, фуқаролар парламентда муҳокама бўлаётган ҳар бир масаладан хабардор бўлишини таъминлаш, сайловчилар билан “қайта алоқа” қилиш имкониятларини янада кенгайтириш.</p> <p>3. Парламентнинг ҳудудлар билан тўғридан-тўғри, жумладан, масофавий ишлаш, шу жумладан, парламент томонидан республика бўйича мурожаатлар билан ишлаш ҳолати</p>	Ташкилий-ҳуқуқий чоралар	2022 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов , Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион	Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида), Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов

		назоратга олиниш ва ҳудудий ижро органлари раҳбарлари ҳисоботини эшитиш ҳамда унинг натижасига мувофиқ, уларга нисбатан таъсирчан чоралар кўриш амалиётини жорий этиш.				фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)	
27.	Сайловчилар ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимини такомиллаштириш.	1. Сайловчилар тўғрисида аниқ маълумотларни Сайловчилар ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимига киритилишини ҳамда улардаги маълумотларни доимий долзарблигини таъминлаш мақсадида идоралараро маълумот алмашиш механизмлари ва тартиб-тамоилларини такомиллаштириш.	Вазирлар маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисоб-китобларга асосан	Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низам-ходжаев (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Марказий сайлов комиссияси (келишув асосида), Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , Ички ишлар вазирлиги П.Бобожонов , Кадастр агентлиги Ф.Умаров , Давлат хизматлари агентлиги (лавозим бўйича), Молия вазирлиги Т.Ишметов
		2. Халқаро тажрибани ўрганган ҳолда Сайловчилар ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими самарадорлигини ошириш мақсадида уни бошқариш тизимини марказлаштириш, бу борада Марказий сайлов комиссияси ваколатларини кенгайтириш ва тузилмасини такомиллаштириш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисоб-китобларга асосан	Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низам-ходжаев (келишув асосида),	Марказий сайлов комиссияси (келишув асосида), Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов ,

						Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Ички ишлар вазирлиги П.Бобожонов , Кадастр агентлиги Ф.Умаров , Давлат хизматлари агентлиги (лавозим бўйича), Молия вазирлиги Т.Ишметов
28.	Сайлов тизими нуфузини янада ошириш.	1. Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июнь	–	Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низам-ходжаев (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Марказий сайлов комиссияси (келишув асосида), Молия вазирлиги Т.Ишметов
		2. Сайлов комиссиялар тизимини мақбуллаштириш ва марказлашган сайлов органлари тизимини шакллантириш, уларнинг профессионал тайёргарлигини таъминлаш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил август	–	Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низам-ходжаев (келишув асосида),	Марказий сайлов комиссияси (келишув асосида), Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Молия вазирлиги Т.Ишметов

						Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	
8-мақсад. Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш							
29.	Ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг барқарорлигини таъминлаш.	“Ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш доирасида қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашни ривожлантириш ва кенгайтириш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов , Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева (келишув асосида), Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар	Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида) Олий Мажлис палаталари депутатлари ва сенаторлари (келишув асосида)
		Олий Мажлис палаталари томонидан қонун ижодкорлиги бўйича миллий фаолият дастурини қабул қилиш.	Палаталарнинг қўшма қарори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	–		
30.	Ҳуқуқ тизимининг рақобатбардошлигини ошириш ва иқтисодиётнинг янги драйверларини ҳаракатга келтириш доирасида замонавий технологияларга, масофавий тадбиркорлик ва рақамли фаолиятга бўлган талабларни қайта кўриб чиқиш.	Қонунчилик ҳужжатларида замонавий технологияларга, масофавий, рақамли ва бошқа замонавий шаклларда амалга оширилаётган фаолиятга тўсқинлик қилаётган талаб ва шартларни қайта кўриб чиқиш ва тегишли соҳаларда фаолиятни амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий шароитларни яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июль	–	телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)	Адлия вазирлиги Р.Давлетов , Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов , Электрон технологияларни

								ривожлантириш маркази (келишув асосида)
9-мақсад. “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш								
31.	Электрон хизматларининг ошириш.	давлат улушини	<p>1. “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинуви йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш.</p> <p>2. Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш.</p> <p>3. Шахсга доир маълумотларни ҳимояланишини таъминлайдиган рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш.</p> <p>4. Фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>5. Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш.</p> <p>6. Давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш чораларини кўриш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)	Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Давлат хизматлари агентлиги (лавозим бўйича), Электрон технологияларни ривожлантириш маркази (келишув асосида)

32.	<p>“Рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида аҳоли билан ҳужжат алмашиш ва иш юритишнинг 90 фоиздан ортиғини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш.</p>	<p>1. “Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади” тамойили асосида давлат органларида аҳоли билан ҳужжат алмашиш ва иш юритишни электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Давлат бошқаруви органлари, шу жумладан уларнинг қўйи бўлинмаларининг бухгалтерия, кадрлар билан ишлаш ва девонхона каби йўналишлардаги иш фаолиятини рақамлаштириш ишларини олиб бориш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси нинг биринчи ўринбосари К.Куранбаев,</p> <p>Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи <i>(лавозим бўйича)</i></p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги О.Хасанов</p>
33.	<p>“Фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш.</p>	<p>1. Ҳайдовчилик гувоҳномаси, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси, диплом олганлик каби фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни текширишнинг ягона электрон тизимини яратиш.</p> <p>2. Ягона электрон тизимининг ишга туширилишини ва тегишли ташкилотлар билан интеграция қилинишини таъминлаш.</p> <p>3. Давлат хизматларидан идентификация ID карта орқали фойдаланилганда, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаслик амалиётини йўлга қўйиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июль	Ҳисоб-китобларга асосан	<p>Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи <i>(лавозим бўйича)</i></p>	<p>Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Давлат хизматлари агентлиги <i>(лавозим бўйича),</i> Давлат персоналлаштириш маркази У.Ташходжаев,</p>

							Ички ишлар вазирлиги П.Бобожонов, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази (келишув асосида)
10-мақсад. Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш							
34.	Давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини холисона баҳолашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.	<p>1. Давлат фуқаролик хизмати тизимига кирувчи давлат органлари ва ташкилотларида ходимларни ишга қабул қилишда очиқ мустақил танлов орқали саралаб олишнинг ягона қоидаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Давлат хизматига кириш ва уни ўташ, кадрлар захирасини шакллантириш, ходимларни баҳолаш билан боғлиқ жараёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи “Рақамли давлат хизмати” лойиҳасини амалга ошириш.</p> <p>3. Давлат хизматида соҳалар кесимида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолаш бўйича рейтинг тизимини жорий этиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги О.Хасанов, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Хусанов, Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов
35.	Давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш.	1. Барча даражадаги раҳбар кадрлар ва ходимларнинг “ҳаёт давомида таълим олиш” (Life Long Learning) тамойили асосида бутун фаолияти давомида ўзларига зарур бўлган кўникмаларини	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси биринчи	Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги О.Хасанов,

ривожлантириб боришга қаратилган малака ошириш тизимининг ягона қоидаларини белгилаш.

2. **Давлат фуқаролик хизматчисининг узлуксиз малакасини ошириш ва касбий ривожланиши** – давлат фуқаролик хизматини ўташнинг муҳим шарти этиб белгилаш.

3. Давлат фуқаролик хизматчиларининг кўникмаларини оширишда **давлат буюртмасини шакллантириш** тизимини ишлаб чиқиш.

4. Давлат фуқаролик хизматчиларини ўқитиш, қайта тайёрлаш ва **малакасини оширишнинг интерфаол шакллари**, шунингдек уларнинг янги билим ва кўникмаларни эгаллаши учун барчага очиқ бўлган электрон ўқув дастурлари ҳамда платформаларни ишлаб чиқиш.

5. Давлат фуқаролик хизматчиларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи **давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг реестрини** юритиш.

6. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги малака ошириш марказларида давлат фуқаролик хизматчиларини **ўқитиш жараёнида умумий илмий-услубий тизимни йўлга қўйиш** ва мониторинг қилиш.

7. Давлат фуқаролик хизматчиларининг **моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш**.

Ўринбосари
К.Куранбаев,
Бош вазир
Ўринбосари
Ж.Қўчқоров

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
Н.Хусанов,
Молия вазирлиги
Т.Ишметов,
Давлат бошқаруви академияси
А.Бекмуродов

36.	Раҳбарлик лавозимлари учун муносиб номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш.	1. Республика миқёсида захира кадрларни саралаш амалиётини йўлга қўйиш. 2. Захира кадрларнинг билим ва кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш чораларини кўриш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 сентябрь	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг биринчи ўринбосари О.Хасанов , Давлат бошқаруви академияси А.Бекмуродов
37.	Давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича талабларни қайта кўриб чиқиш ва уларга риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш.	1. Давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича қонунчиликни қайта кўриб чиқиш ва Халқаро Меҳнат Ташкилоти стандартлари асосида такомиллаштириш. 2. Давлат фуқаролик хизматида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид самарали механизмларни ишлаб чиқиш. 3. Давлат фуқаролик хизматида меҳнат муносабатларидаги ҳуқуқбузарликлар учун таъсирчан чораларни белгилаш. 4. Мослашувчан иш режими ва фаолиятни масофавий ташкил этиш механизмларини белгилайдиган тартиб ишлаб чиқиш. 5. Давлат фуқаролик хизматида меҳнатни муҳофаза қилишда мониторинг фаолиятини жорий этиш. 6. Мониторинг фаолиятида давлат органлари, хусусан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ваколатлари ҳамда функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июль	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари К.Куранбаев	Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг биринчи ўринбосари О.Хасанов , Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Хусанов , Адлия вазирлиги Р.Давлетов

11-мақсад. Халқ билан мулоқотнинг механизмларини такомиллаштириш

38.	“Давлат халққа хизмат кўрсатиши шарт” ғоясини татбиқ этишни назарда тутувчи “Халқчил давлат” миллий дастурини ишлаб чиқиш.	Илғор хорижий давлатларнинг тажрибасини инобатга олган ҳолда Дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Миллий дастур	2022 йил октябрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А.Саидов (келишув асосида)	Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ М.Тиллабоев , Адлия вазирлиги Р.Давлетов , манфаатдор вазирлик ва идоралар
39.	Давлат органлари ва ташкилотларига келиб тушган мурожаатларнинг Мурожаатлар билан ишлаш ягона онлайн платформасида юритилишини таъминлаш.	<p>1. Мурожаатлар билан ишлаш Ягона онлайн платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг қуйи ташкилотларига турли воситалар орқали тўғридан-тўғри мурожаат қилиш, барча келиб тушган мурожаатларни ягона тизим доирасида рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва натижасини назорат қилиш ҳамда марказлашган ҳолда “маҳаллабай” мониторинг ва таҳлил қилиш имкониятини таъминлаш.</p> <p>2. Давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтлари орқали келиб тушган мурожаатларнинг Мурожаатлар билан ишлаш Ягона онлайн платформасида рўйхатдан ўтказилиши тартибини жорий қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил охирига қадар	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усманов , Бош вазир маслаҳатчиси - IT-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти	Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов
		3. Мурожаатлар билан ишлаш Ягона онлайн платформасини вазирлик ва идораларнинг мурожаатлар билан ишлаш бўйича идоравий тизимлари билан босқичма-босқич интеграциялаш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил охирига қадар	Ҳисоб-китобларга асосан	бошлиғи (лавозим бўйича)	
40.	Мурожаатларнинг давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши муддати ва сифати	Мурожаатлар билан ишлаш муддати бузилганда, автоматик тарзда юқори турувчи инстанцияни электрон хабардор қилиш тартибини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси	Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов

	устидан “рақамли назорат” ўрнатиш.					Ўринбосари А.Усманов , Бош вазир маслаҳатчиси - IT- технологиялар телекоммуни- кациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантири- ш масалалари департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)	
41.	Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш.	Халқ қабулхоналари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва уларнинг давлат бошқаруви тизимидаги мақомини мустаҳкамлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил ноябрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А.Саидов (келишув асосида), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усманов	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари (келишув асосида), Адлия вазирлиги Р.Давлетов
12-мақсад. Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш							
42.	Жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини жорий этиш.	1. Ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурлари лойиҳаларини очиқ эълон қилиб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиш амалиётини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил октябрь	–	Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов , Ж.Қўчқоров ,	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

		<p>2. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, ҳудудий инфратузилма дастурлари доирасидаги лойиҳалар очиқ эълон қилиниб, кенг жамоатчилик фикри асосида ишлаб чиқиладиган тизимни яратиш.</p> <p>3. Давлат, жамият ва маҳалла ҳаётида фаол иштирок этган фуқаролар танловини ўтказиш ва уларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шу жумладан, ҳар йили ташаббусли бюджетлаштириш жараёнида фаол иштирок этган ҳамда ташаббус кўрсатган фуқароларни мукофотлаш тизимини жорий этиш.</p> <p>4. Жамоатчилик фикрини доимий, профессионал ва тизимли равишда илмий таҳлил қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш, ижтимоий психологияни тадқиқ этиш бўйича зарур чораларни кўриш.</p> <p>5. “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолиятини қайта кўриб чиқиб, Социология ва ижтимоий психология институтини ташкил этиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга асосан	<p>Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (<i>лавозим бўйича</i>), Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.Усманов</p>	<p>қисқартириш вазирлиги А.Бобоев, Адлия вазирлиги Р.Давлетов, Молия вазирлиги Т.Ишметов</p> <p>Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази О.Хакимов, Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти Э. Арипов, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Н.Рахимова</p>
43.	Айрим давлат функциялари амалга ошириш жараёнига жамоатчилик назорати субъектларини кенг жалб қилиш.	1. Жамоавий мурожаатлар асосида янги қурилган ва таъмирланган инфратузилма объектлари сифатини текшириш амалиётини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябр	–	Бош вазир ўринбосарлари А.Раматов , Ж.Қўчқоров ,	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

		2. Камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринларини яратиш, эҳтиёжманд аҳолини касбга ўргатиш каби ижтимоий фойдали лойиҳаларни амалга оширишни нодавлат нотижорат ташкилотларга очиқ танлов асосида тақдим этиш амалиётини йўлга қўйиш.				Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари А.Усманов	А.Бобоев, Адлия вазирлиги Р.Давлетов
44.	Жамоатчилик назоратининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш.	Жамоатчилик назоратининг самарали ва таъсирчан шаклларини, уларни амалга ошириш механизмларини жорий этиш мақсадида “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил сентябрь	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А.Саидов (келишув асосида)	Адлия вазирлиги Р.Давлетов
45.	Оммавий ахборот воситаларининг роли ва журналистларнинг касбий фаолияти ҳимоясини янада кучайтириш.	1. Фуқароларни қийнаётган муаммолар ҳамда ислоҳотларнинг самарадорлигини ўрганишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш тартибини жорий қилиш. 2. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик , шу жумладан мансабдор шахслар томонидан цензура ўрнатиш, таҳририят ходимларига босим ва тазйиқ ўтказиш, материаллар ва техник воситаларни улардан ғайриқонуний равишда олиб қўйиш ҳаракатлари содир этилгани учун жавобгарликни янада кучайтириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил апрель	–	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори А.Ходжаев	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Д.Саиджонов

II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ

(Масъуллар – Б.Исламов, Н.Йўлдошев, К.Камилов ва А.Саидов)

13-мақсад. Мулк ҳуқуқларининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкий муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш

46.	<p>Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш.</p>	<p>1. Мулкий, шу жумладан ер участкасига бўлган ҳуқуқлар билан боғлиқ барча маъмурий ҳужжатларни қатъий равишда фақат суд тартибида бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш амалиётини жорий этиш.</p> <p>2. Иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (камаийб борувчи) давлат божи ставкаларини қўллаш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил ноябрь	–	<p>Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Адлия вазири Р.Давлетов, Олий суд раиси К.Камилов</p>	<p>Адлия вазирлиги А.Каримов, Олий суд Б.Исаков</p>
		<p>3. Кўчмас мулк ва унга тааллуқли ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофлик тамойилини жорий этиш мақсадида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридаги очиқ маълумотлар таркибини белгилаш ва очиқ маълумотлар асосида оммавий геопортални жорий этиш ҳамда маълумотларни Миллий геоахборот тизими орқали давлат ва хўжалик бошқарув органларига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиш тартибини ишлаб чиқиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил декабрь	Ҳисоб-китобларга асосан		<p>Кадастр агентлиги А.Аллаберганов Адлия вазирлиги А. Каримов, Давлат активларини бошқариш агентлиги А.Ортиқов</p>
		<p>4. Хусусий мулк устуворлиги асосий тамойил сифатида белгилаш. Бунда: давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш;</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил июнь	–		<p>Адлия вазирлиги А.Каримов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш</p>

		инсофли эгалловчининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш ва мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмларини қўллаш.					вазирлиги И.Норқулов
14-мақсад. Қонун устуворлиги ва конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда ушбу жараённинг бош мезони сифатида инсон қадрини белгилаш							
47.	Маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига кўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, ушбу йўналишда давлат ва жамият институтларининг биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш.	<p>1. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга жазони ўташ шароитларини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш.</p> <p>2. Меҳнатга жалб этилган маҳкумларга колониялардаги иш стажини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш тартибини жорий этиш.</p> <p>3. Озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаб бўлган фуқароларни қўллаб-қувватлаш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни жорий қилиш орқали уларнинг ижтимоий мослашуви механизмларини такомиллаштириш.</p> <p>4. Маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтганлигини белгиловчи қатъий мезонларни белгилаш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил май	–	Ички ишлар вазири П.Бобожонов	Ички ишлар вазири Ш.Собиров, Молия вазири А.Ҳайдаров
48.	Фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш.	<p>1. Ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахсларни ҳисобга олиш бўйича ягона электрон реестрни юритишнинг электрон дастурини такомиллаштириш.</p> <p>2. Ушланган шахсларни ягона реестрга киритиш тизимининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил сентябрь	–	Ички ишлар вазири П.Бобожонов, Бош прокурор Н.Йўлдошев, Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.Азизов	Ички ишлар вазири Н.Тўраходжаев, Бош прокуратура Б.Валиев

49.	Қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш.	1. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича тегишли халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш масаласини кўриб чиқиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил август	–	Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери биринчи ўринбосари А.Саидов (келишув асосида), Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Бош прокурор Н.Йўлдошев , Ички ишлар вазири П.Бобожонов Ташқи ишлар вазири А.Камилов	Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, М.Тиллабоев , Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) (келишув асосида), Бош прокуратура Б.Валиев , Ички ишлар вазири Б.Абдуллаев , Ташқи ишлар вазири В.Норов
		2. Қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив миллий механизмнинг қонуний асосларини ривожлантириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил ноябрь	–		
15-мақсад. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш							
50.	Маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш.	1. Қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) ноқонуний эмаслигини маъмурий судда исботлаш мажбурияти , уни қабул қилган мансабдор шахснинг ўзига юклаш тартиби – “суднинг фаол иштироки” тамойилини жорий этиш. 2. “Фуқаро ва тадбиркорлар маъмурий суд ҳимоясида” рукни остида кенг тарғибот ишларини амалга ошириш.	Қонун лойиҳаси Амалий чора-тадбирлар	2022 йил июль Йил давомида	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Исламов	Олий суд раиси К.Камилов

51.	Суд процессида томонларнинг ҳақиқий тенглик ва тортишувлик тамойилларини чиқариш. рўёбга	Процессуал қонунчиликда адвокатнинг ваколатларини, шу жумладан далилларни тўплаш ва тақдим этиш ваколатларини кенгайтириш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил декабрь	–	Адлия вазири Р.Давлетов , Олий суд раиси К.Камилов , Бош прокурор Н.Йўлдошев	Адлия вазирлиги А.Мухаммадиев , Олий суд И.Муслимов , Бош прокуратура С.Артикова
52.	Судлар тизимида “ягона дарча” тамойилини кенг жорий этиш мақсадида аризаларни судга тааллуқлилигидан қатъий назар қабул қилиш ва ваколатли судга юбориш ҳамда муайян иш доирасида барча ҳуқуқий оқибатларни ҳал қилишни таъминлаш тизимини жорий этиш.	1. Иш фуқаролик, иқтисодий ёки маъмурий судга тааллуқли бўлишидан қатъий назар уни ушбу судлар томонидан қабул қилиш ва судга тааллуқлигига кўра тегишли судга юбориш тартибини белгилаш. 2. Давлат идоралари томонидан етказилган зарарни қоплаш ва бошқа ҳуқуқий оқибатларга оид масалаларни ҳал қилиш бўйича маъмурий судлар ваколатини аниқ белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил август	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Исламов	Олий суд раиси К.Камилов
53.	Судьялар корпусини шакллантиришда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, суд тизимидаги раҳбарлик лавозимларга тайинлашда сайланиш ва ҳисобдорлик каби демократик тамойилларни жорий этиш.	1. Судьялик лавозимига номзодларни тайинлаш жараёнида Судьялар ҳамжамияти органларининг аниқ ваколатини белгилаш. 2. Судьяларнинг малака ҳайъатлари фаолиятини очиқ ва шаффоф тарзда ташкил этиш , уларнинг холислиги ва беғаразлигини таъминлаш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил апрель	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Исламов	Судьялар олий кенгаши раиси Х. Ёдгоров Олий суд раиси К. Камилов
54.	Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш , уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш	1. Судьялар олий мактабини халқаро андозалар асосида тубдан ислоҳ қилиш . 2. Одил судлов соҳасида инновацион технологияларни татбиқ этиш учун касбий тайёргарликни зарур даражада таъминлаш. 3. Судьяликка номзодларни тайёрлашга “70 фоиз амалиёт – 30 фоиз назария” тамойилини қўллаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июнь	–	Судьялар олий кенгаши раиси Х. Ёдгоров , Олий суд раиси К. Камилов	Судьялар олий кенгаши А.Жалилов , Олий суд И.Муслимов

		4. Судьяларни тайёрлаш жараёнига хорижий мутахассислар , жумладан чет элда фаолият юритувчи маъмурий суд судьяларини жалб этиш.					
55.	Судьяларнинг одил судловни амалга оширишдаги фаолиятини рағбатлантириш.	Судьялар фаолиятини рағбатлантиришга оид давлат мукофотини таъсис этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари	Судьялар олий кенгаши раиси Х. Ёдгоров , Олий суд раиси К. Камилов	Судьялар олий кенгаши А.Жалилов , Олий суд Р.Махмудова
16-мақсад. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш							
56.	Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш.	1. Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ва уларни рўйхатга олишнинг “Е-ҳуқуқбузарлик” ягона автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш. 2. Бир йил давомида такроран содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларнинг ҳисобини бир йил давомида юритиш ва муддат ўтиши билан автоматик равишда ҳисобдан олиб ташлаш тартибини йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил ноябрь	8 млрд. сўм (бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан)	Ички ишлар вазири П.Бобожонов	Ички ишлар вазирилиги Б.Абдуллаев
57.	Жамоат тартибини сақлаш бўйича патруллик хизмати фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш , шу жумладан замонавий ахборот технологияларини жорий этиш.	1. “Е-патруль” тизими жорий этилиб, текшириш учун фуқарони ички ишлар бўлимига олиб бориш амалиётидан воз кечиш ва барча маълумотларни жойида текширишни йўлга қўйиш. 2. Ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимларининг фаолиятини “бодикамера” ёрдамида назорат қилишни йўлга қўйиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил апрель	Бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан	Ички ишлар вазири П.Бобожонов	Ички ишлар вазирилиги Б.Абдуллаев

		3. Патруль хизматини босқичма-босқич авто ва мотопатруль шаклига ўтказиш орқали нарядларнинг мобиллигини ва ҳодиса жойига тезкорлик билан етиб боришини таъминлаш.					
58.	Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш ва хавфсиз ҳаракатланиш шароитларини яратиш орқали йўлларда ўлим ҳолатларини қисқартириш , шу жумладан ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва жамоатчиликнинг ушбу соҳадаги ишларда кенг иштирокини таъминлаш.	Қуйидагиларни назарда тутувчи 2022-2026 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш: 1. Автомобиль йўлларида ҳаракатни бошқариш тизимини тўлиқ рақамлаштириш. 2. Йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш учун барча иштирокчилар учун муносиб шароитларни яратиш. 3. Йўл инфратузилмасини такомиллаштириш жараёнида ва хавфсизликни таъминлашда кенг жамоатчиликнинг иштироки учун зарур шароитларни яратиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил май	Ҳисоб-китобларга асосан (бюджет, бюджетдан ташқари ва инвестиция маблағлари)	Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Ички ишлар вазирлиги П.Бобожонов , Транспорт вазирлиги И.Махкамов
17-мақсад. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш							
59.	Ички ишлар органларини халқнинг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш ҳамда аҳоли билан мақсадли ишлашга йўналтириш.	1. Ички ишлар органлари ходимларининг “Касбий маданият кодекси”ни амалиётга татбиқ этилишини таъминлаш. 2. Ички ишлар органларини маънавий пок, ўз бурчига содиқ, халқпарвар ва масъулиятли ходимлар билан тўлдириш, уларнинг фаолиятини аҳоли муаммоларини ҳал этиш ва фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги ҳамда ижтимоий фикр асосида баҳолаш тизимини жорий этиш. 3. Ички ишлар вазирлиги ва ҳудудий ички ишлар органларида Жамоатчилик кенгашларини тузиш орқали тизим	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил декабрь	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Исламов , Ички ишлар вазири П.Бобожонов	Ички ишлар вазирлиги А. Икрамов

		<p>фаолияти устидан жамоатчилик назоратини тизимини яратиш.</p> <p>4. Ички ишлар органларини максимал даражада “аҳоли билан мақсадли ишлаш”га йўналтириш, унинг хизмат фаолиятига хос бўлмаган функция ва тузилмаларини мақбуллаштириш.</p>					
60.	<p>Қонунийликни қатъий таъминловчи, очиқ ва адолатли прокуратура фаолиятининг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойилини бош мезонга айлантириш.</p>	<p>1. Прокуратура органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишда давлат ва жамоатчилик назоратини ўзаро уйғунлаштирувчи янги тизим жорий этиш.</p> <p>2. Прокуратура органлари фаолияти ошкоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш.</p> <p>3. Прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш.</p>	Қонун лойиҳаси	2022 йил ноябрь	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Б.Исламов	Бош прокуратура Н.Йўлдошев
61.	<p>Тергов фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятини янада кучайтириш.</p>	<p>Тергов фаолиятини назорат қилиш, ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этилаётган янги турдаги жиноятлар, шу жумладан кибержиноятларни фош этиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ислоҳ қилиш, қўшимча куч ва воситаларни жалб қилиш ҳамда ушбу жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш.</p>	Ташкилий - амалий чоралар	2022 йил давомида	–	Бош прокурор Н.Йўлдошев , Ички ишлар вазири П.Бобожонов , Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.Азизов	Бош прокуратура Б.Валиев , Ички ишлар вазирлиги Я.Абдулхаков , Давлат хавфсизлик хизмати (келишув асосида), Электрон технологияларни ривожлантириш маркази (келишув асосида)

62.	<p>Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноятлар ҳақида хабарларни ҳисобга олиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жиноятларни яшириш ҳолатларининг олдини олишда замонавий усуллардан фойдаланиш.</p>	<p>1. Мурожаатлар билан ишлаш соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий этган ҳолда аҳоли учун ўйидан туриб, туну-кун тўғридан-тўғри мурожаат қилиш имкониятини яратиш.</p> <p>2. Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш институтини ислоҳ қилиш ва жиноят ҳақидаги хабарларни рўйхатга олиш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари</p>	<p>2022 йил октябрь</p>	<p>–</p>	<p>Ички ишлар вазири П.Бобожонов, Бош прокурор Н.Йўлдошев, Бош вазир маслаҳатчиси – IT-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи (<i>лавозим бўйича</i>)</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги Н.Турахўжаев, Бош прокуратура Э.Юлдашев, Ахборот технологиялари вазирлиги О.Пекось</p>
18-мақсад. Суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларининг ўз вақтида ва тўлиқ ижросини таъминлаш							
63.	<p>Суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этишнинг самарали механизмларини жорий этиш.</p>	<p>1. Мансабдор шахслар маъмурий суд қарорини бажармаган тақдирда, уларга нисбатан “ошиб борадиган” жарима ва бошқа ҳуқуқий чораларни қўллаш тартибини белгилаш.</p> <p>2. Муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаганлик, ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.</p> <p>3. Судлар томонидан ижро варақаларини инсон омилсиз электрон шаклда юбориш имконини берувчи электрон платформани яратиш орқали ушбу жараённи тўлиқ рақамлаштириш.</p>	<p>Қонун лойиҳаси</p> <p>Чоратадбирлар дастури</p>	<p>2022 йил ноябрь</p> <p>2022 йил июнь</p>	<p>–</p> <p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Олий суд раиси К.Камилов, Бош прокурор Н.Йўлдошев</p> <p>Олий суд раиси К.Камилов, Бош прокурор Н.Йўлдошев</p>	<p>Олий суд Р.Махмудова, Бош прокуратура С.Артикова</p> <p>Олий суд Б.Исаков, Бош прокуратура С.Артикова</p>

		4. Ижро жараёнини шаффоф тарзда масофадан туриб онлайн қузатиб бориш имконини яратиш. 5. Суд томонидан тайинланган жарималарни махсус рақам бўйича тўлаш тизимини соддалаштириш.					
64.	Суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш.	1. Ижро этишнинг муқобил механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш. 2. Ўзаро қарздорликни тартибга солиш, ҳисоб-китоб қилиш ва ундириш институтлари ва механизмларини жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил сентябрь	–	Бош прокурор Н.Йўлдошев	Бош прокуратура С.Артикова
65.	Мажбурий ижро органлари фаолиятига ҳалқаро стандартларни босқичма-босқич жорий этиш ва айрим функцияларни хусусий секторга ўтказиш , давлат ижрочилари иш юкламасини камайтириш.	1. Мажбурий ижро органларининг функцияларини хатловдан ўтказиш ва айримларини хусусий секторга ўтказиш. 2. Ижро ишини юритиш тизимини рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил декабрь	–	Бош прокурор Н.Йўлдошев	Бош прокуратура С.Артикова
19-мақсад. Адвокатура институтининг инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдаги салоҳиятини тубдан ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг малакали ҳуқуқий хизматларга бўлган талабини тўлиқ қондириш							
66.	Адвокатура институтини тўлақонли ўз-ўзини бошқариш тизимига ўтказиш , Адвокатлар палатаси бошқарув органларининг адвокатлар ҳамжамияти олдидаги ҳисобдорлигини кучайтириш , тизимга ёш малакали кадрларни жалб қилиш .	1. Адвокатура фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунни ишлаб чиқиш. 2. Адвокатнинг процессуал мақомини кучайтириш. 3. Адвокатлик лицензиясини олиш учун юридик мутахассислик бўйича иш стажига оид талабни бекор қилиш. 4. Олий юридик маълумотли шахсларга 3 ойлик стажировкадан кейин адвокатлик имтиҳонини топшириш имкониятини яратиш ҳамда стажировка	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил август	–	Адлия вазири Р.Давлетов	Адлия вазирлиги А.Мухаммадиев , Адвокатлар палатаси (келишув асосида)

		ўтамасдан адвокатлик лицензиясини олиш учун имтиҳон топширишга рухсат берилган шахслар тоифасини кенгайтириш. 5. Олий юридик таълим муассасаларининг бакалавр йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида ишлаш ҳуқуқини бериш.					
67.	Адвокатлик фаолиятига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали ортиқча бюрократия ва қоғозбозликка чек қўйиш , судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари билан электрон ҳужжатлар алмашинувини йўлга қўйиш.	1. Олий ёки ҳудудий малака комиссияси қарори асосида адвокатлик лицензиясини “Лицензия” ахборот тизими орқали расмийлаштириш тартибини жорий этиш. 2. Адвокатлар, судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида ҳужжатлар алмашинувини таъминловчи “Юридик ёрдам” электрон тизими ни яратиш. 3. Адвокатнинг процессда иштирокини таъминлашни соддалаштирувчи “Электрон адвокат ордери” ни жорий этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил июнь	–	Адлия вазири Р.Давлетов	Адлия вазирлиги А.Мухаммадиев , Адвокатлар палатаси (келишув асосида)
68.	Бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш кўламини кенгайтириш , нотариат ва фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш органларининг хизматларидан оворагарчиликсиз, шу жумладан масофадан туриб ва “ягона дарча” тамойили асосида фойдаланишни таъминлаш.	1. Давлат ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга бепул юридик ёрдам ни жиноят ишлари билан бир қаторда фуқаролик ва маъмурий ишлар бўйича ҳам кўрсатиш тизимини жорий этиш. 2. Соғлиқни сақлаш ва ФХДЁ органларининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш ва моддий-техник жиҳатидан такомиллаштириш. 3. Нотариат институтига оид барча қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш ва ягона қонунга бирлаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил декабрь	Ҳисоб-китоблар асосида (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан)	Адлия вазири Р.Давлетов	Адлия вазирлиги А.Мухаммадиев

		4. Нотариат фаолиятини янада рақамлаштириш ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш. 5. ФХДЁ ва нотариат органлари томонидан давлат хизматларини соддалаштирилган тартибда кўрсатишни йўлга қўйиш.					
--	--	---	--	--	--	--	--

20-мақсад. Фаол фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда фуқаролар ўртасида қонунга ҳурмат ва итоат қилиш ҳиссини шакллантириш

69.	Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш.	Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш ни хусусий секторни жалб қилган ҳолда янги тамойиллар асосида ташкил этиш.	Ташкилий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	–	Адлия вазири Р.Давлетов	Адлия вазирлиги М.Икромов
-----	---	---	-------------------------	-------------------	---	-----------------------------------	-------------------------------------

III. МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

(Масъуллар – Ж.Қўчқоров, С.Умурзоқов ва Ш.Ғаниев)

21-мақсад: Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни - 1,6 баробар (1750 доллардан 2800 долларга) ва 2030 йилга бориб аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш

70.	Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш.	1. Халқаро молия институтлари билан биргаликда келгуси 5 йил учун бир нечта сценарийли макроиқтисодий прогноз (макромодель)ни ишлаб чиқиш. Бунда: ялпи ички маҳсулотни 100 млрд АҚШ доллари га етказиш ва аҳоли даромадларининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; таркибий ислоҳотларни амалга оширишда иқтисодиётга таъсирини баҳолаш; иқтисодий ўсиш учун зарур бўлган энергия манбалари билан таъминлаш;	Таҳлилий маълумотлар ва ҳисоб-китоблар	2022 йил август	–	Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Марказий банк Б.Ҳамраев
-----	--	--	--	-----------------	---	--	---

		<p>ташқи бозорлардаги ўзгаришларни прогнозлаштириш ва иқтисодий ўсишга ташқи омиллар таъсирини юмшатиш; худудлар ва тармоқларнинг иқтисодий ўсишдаги ҳиссасини аниқлаш орқали “ўсиш нуқталари”ни белгилаш; барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда тавсиялар ва асосий макроиқтисодий йўналишлар бўйича аниқ чоралар ишлаб чиқиш.</p>					
		<p>2. 2023-2025 йиллар учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозини ишлаб чиқиш. Бунда: иқтисодий ўсиш даражасининг ўртача 6,5 фоиздан юқори бўлишини; инфляциянинг 2024 йилдан 5 фоиз таргет кўрсаткичи даражасида ушлаб туриш; пул-кредит, бюджет-солиқ сиёсатлари ва таркибий ислохотларни ўзаро мувофиқлаштириш; худудларнинг мувозанатлашган ривожланиши ва ишлаб чиқариш қувватларини самарали жойлаштиришни таъминлаш.</p>	<p>Ўрта муддатли макроиқтисодий прогноз</p>	<p>2022 йил август</p>	<p>—</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Марказий банк Б.Ҳамраев</p>
		<p>3. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича Республика ишчи гуруҳи ва йўналишлар бўйича кичик ишчи гуруҳлар тузиш ва унга: макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туриш мақсадида пул-кредит, фискал ва таркибий ислохотларни такомиллаштириш; инфляциянинг асосий омилларини таҳлил қилган ҳолда, нарх-навонинг ошишини олдини олиш чораларини белгилаш;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармойиши лойиҳаси</p>	<p>2022 йил апрель</p>	<p>—</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Марказий банк Б.Ҳамраев</p>

	<p>давлат инвестицияларининг самарали амалга оширилиши бўйича чоралар белгилаш.</p>					
	<p>4. Инфляциянинг монетар омилларини пасайтириш ҳисобига доимий инфляцион мақсадга (таргет) эришиш бўйича чоралар кўриш. Бунда:</p> <p>қатъий пул-кредит шароитларини сақлаб қолиш, шу жумладан, иқтисодиётга кредит қўйилмалари ўсиш суръатини (16-18 фоиз) ялпи ички маҳсулот номинал ҳажми ўсиш суръатлари билан мутаносиб бўлишини; пул-бозоридаги операциялар бўйича 2-3 фоизлик реал ижобий фоиз ставкалари шаклланишини таъминлаш;</p> <p>Марказий банкнинг пул-кредит инструментларининг инфляцияга таъсирини кучайтириш;</p> <p>иқтисодиётда инфляцион кутилмаларни пасайтиришга қаратилган коммуникация сиёсатини такомиллаштириш.</p>	<p>Марказий банк бошқарув қарори</p>	<p>2022 йил давомида</p>	<p>—</p>		<p>Марказий банк Б.Хамраев</p>
	<p>5. Истеъмол бозорларида рақобатни ривожлантириш ва монополияга қарши таъсирчан чоралар кўриш. Бунда:</p> <p>ички истеъмол бозорида рақобат муҳитига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш ва импортда концентрациялашув даражасини пасайтириш;</p> <p>озик-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари бозорларида таклифни ошириш ва мавсумий тақчилликларни бартараф этиш;</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>—</p>		<p>Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ш.Шарахметов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Л.Қудратов,</p>

		<p>тариф ва нотариф тартибга солишнинг инфляция даражасига таъсирини ҳисобга олиш ва оқибатларини юмшатиш; жаҳон бозорларидаги вазиятдан келиб чиқиб, ички бозорда талаб юқори бўлган товарларни хориждан олиб киришда уларга нисбатан мақбул божхона ставкаларини қўллаш.</p>					<p>Марказий банк Б.Хамраев</p>
		<p>6. Республика ҳудудларида савдо инфратузилмасини ривожлантириш. Бунда: ҳар бир ҳудудда йирик улгуржи-савдо марказлари, жумладан логистика, музлатгич, омборхоналарни ташкил этиш; йирик туман/шаҳарларда камида 3 тадан замонавий савдо марказларини ташкил этиш; қишлоқ жойларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш; аҳолига эркин савдони амалга ошириш имконини берувчи чегараолди ҳудудларда савдо марказларини ташкил этишни назарда тутиш.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил апрель</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев, Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ш.Шарахметов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов</p>
		<p>7. Ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш бўйича “Йўл харита”ни амалга ошириш. Бунда ҳудудлар кесимида: озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш ва ички бозорда интервенция қилиш ҳажмлари кўрсаткичлари; ҳудудий ҳокимликларнинг ички бозорда нархлар барқарорлигини таъминлаш борасидаги вазифаларини аниқ белгилаш;</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил 15 февралда н бошлаб</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.Ходжаев, Марказий банк Б.Хамраев,</p>

		асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархларини барқарорлаштириш захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш (истеъмол бозорларига интервенциялар қилиш) бўйича чораларни назарда тутиш					Давлат захираларини бошқариш қўмитаси М.Курбанов
		8. Халқаро молия институтларининг тавсияларини назарда тутган ҳолда “Ўрта муддатли даромадлар стратегияси”ни ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлаш ва 2022 йил 1 сентябрга қадар Стратегия лойиҳасини 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга киритиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил сентябрь	—		Молия вазирлиги Т.Ишметов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги И.Норқулов, Давлат солиқ қўмитаси Ш.Кудбиев, Давлат божхона қўмитаси А.Мавлонов
71.	Ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш.	Туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг камида 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил февралда н бошлаб	Туман ва шаҳар бюджети ҳисоб-китоб асосида	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Молия вазирлиги А.Хайдаров, Автомобил йўллари қўмитаси А.Абдувалиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликлари

72.	<p>Давлат қарзини бошқаришда йилига янги жалб қилинган ташқи қарз миқдори 4,5 млрд АҚШ долларидан ошиб кетмаслигини таъминлаш.</p>	<p>1. Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия доирасида давлат қарзини бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш. Бунда: давлат қарзининг жорий ҳолати ва кўп прогноз сценарийлари орқали ўрта муддатда давлат қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиз даражасидан ошмаслик чораларини; давлат қарзи портфелининг структурасида фоиз хатарларни самарали бошқариш чораларини назарда тутиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	—	Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров	Молия вазирлиги О. Исаков, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев
<p>2. Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартибини такомиллаштириш. Бунда: лойиҳани амалга ошириш учун қарз олувчи корхоналарнинг молиявий ҳолати, лойиҳанинг ҳаётийлиги, пул оқимлари ва лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бошқа хатарлар таҳлили асосидаги давлат кафолатини беришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига Молия вазирлигининг хулосасини киритиш; давлат кафолати учун тўловларни қарз олувчи корхоналарнинг молиявий ҳолати бўйича хатарлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш; давлат кафолати тақдим этишда корхоналарига молиявий шарт ва талабларни белгилаш тартибини жорий этишни назарда тутиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил сентябрь	—				
<p>3. Келгуси йилда давлат қарзи ва давлат кафолати остида жалб қилинадиган хорижий кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхатини тасдиқлаш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил 15 декабр-гача	—	Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков, Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, Молия вазирлиги О.Исаков		

22-мақсад: Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробар ошириш

73.	Саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини яқунлаш.	1. Машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоқлардаги 23 та йирик корхона халқаро кредит рейтингларини олиш орқали ички ва ташқи молиявий бозорларга мустақил чиқиб, инвестиция лойиҳалари учун ўзи маблағ жалб қилишини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси фармойиши лойиҳаси	2022 йил 1 март	–	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Молия вазирлиги О.Исаков , манфаатдор вазирлик, идора ва хўжалик субъектлари
		2. Энергетика соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш. Бунда, электр энергия таъминотида монополияни бекор қилиш ҳамда соҳага ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш, жумладан: “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖдан электр энергиясини “ягона харид қилувчи” функциясини ажратиш; “Худудий электр тармоқлари” АЖга хусусий операторларни жалб қилиш бўйича асосий талабларни белгилаш; “Ўзбекгидроэнерго” АЖ кичик ва ўрта инвестиция лойиҳаларига хусусий инвесторларни жалб этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель 2022 йил июль			Энергетика вазирлиги Ш.Ходжаев , Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров , Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев , Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ш.Шарахметов , “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Д.Исакулов ,

							<p>“Худудий электр тармоқлари” АЖ У.Мустафоев, “Ўзбекгидро-энерго” АЖ А.Сангинов</p>
		<p>3. Нефт-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш, жумладан: “Ўзтрансгаз” АЖни фақат газни транспортировка қилиш билан шуғулланувчи компанияга айлантириш; “Ўзбекнефтвергаз” АЖнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасини дунёнинг етакчи нефть-газ компаниялари стандартларига мувофиқлаштириш, бунда жамият тасарруфидаги корхоналарда кооперация ва аутсорсинг хизматларини жорий этиш; “Худудгазтаъминот” АЖ фаолияти йўналишларига хусусий операторларни жалб қилиш бўйича асосий талабларни белгилаш, жумладан: суюлтирилган газни аҳолига етказиб бериш тизимиغا; табиий газни истеъмолчиларга етказиб бериш тизимиغا.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p>2022 йил июль</p>	<p>2022 йил октябрь</p>	<p>Энергетика вазирлиги А.Ахмедхаджаев, Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ш.Шарахметов, “Ўзбекнефтвергаз” АЖ М.Абдуллаев, “Ўзтрансгаз” АЖ Б.Нарматов, “Худудгаз-таъминот” АЖ Б.Эшмуратов</p>

		<p>4. “Ўзбекистон темир йўллари” АЖда трансформация жараёнларини жадаллаштириш. Бунда, соҳада хусусий юк ташиш операторлари фаолиятини йўлга қўйиш, асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган активларни мақбуллаштириш, юк ташиш харажатларини камайтириш, янги сервис таклифларини жорий этиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил февраль			<p>Транспорт вазирлиги И.Махкамов, Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Х.Хосилов</p>
		<p>5. Кимё соҳасидаги корхоналарни хусусийлаштириш, жумладан Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда 2022-2023 йилларда “Фарғонаазот” АЖ ва “Деҳқонобод калий заводи” АЖни хусусийлаштириш.</p>	Амалий чоратadbирлар	2022-2023 йиллар давомида			<p>Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев, Давлат активларини бошқариш агентлиги А.Ортиқов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Л.Кудратов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Ўзкимёсаноат” АЖ Ж.Мирзамахмудов</p>
74.	Энергия ресурслари ва табиий газ бозорларини ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда эркинлаштириб, соҳага	<p>1. Энергетика соҳасида соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, барча иштирокчиларга тенг имкониятлар бериш ва нархларни шакллантиришнинг шаффоф механизмларини жорий қилиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Энергокомпанияларнинг ўз маблағлари,	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	<p>Энергетика вазирлиги А.Ахмедходжаев Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни</p>

хусусий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш.	Бунда, электр энергияси ва табиий газнинг рақобатли бозорини тартибга солувчи мустақил орган - регуляторни , ягона харид қилувчи функциясини бажарувчи компанияни, миллий диспетчерлик марказини ташкил қилишни назарда тутиш.			қонунчиликда назарда тутилган бошқа манбалар	қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров , Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев , Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев
	2. Халқаро молия институтларининг (Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки) экспертлар ва консультантлар билан биргаликда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш:				Энергетика вазирлиги А.Султанов
	янги таҳрирдаги “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;	Қонун лойиҳаси	2022 йил сентябрь		Энергетика вазирлиги Ш.Ходжаев
	“Табиий газ тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси;	Қонун лойиҳаси	2022 йил октябрь	–	Энергетика вазирлиги А.Ахмедходжаев , “Ўзтрансгаз” АЖ Б.Нарматов
	Магистрал электр тармоқлари кодексини (Grid Code) тасдиқлаш тўғрисида;	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	–	Энергетика вазирлиги Ш.Ходжаев
	тақсимловчи тармоқларни эксплуатация қилиш, истеъмолчиларни тармоққа улаш, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашни назарда тутган ҳолда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ўзида мужассамлаштирган Тақсимлаш тармоқлари қоидаларини (Distribution Code) тасдиқлаш тўғрисида;	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил октябрь	–	Энергетика вазирлиги Ш.Ходжаев

		<p>электр энергетикаси бозор иштирокчилари фаолиятини тартибга солишни назарда тутувчи “Бозор қонун-қоидалари тўғрисида”;</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил октябрь	–		Энергетика вазирлиги Ш.Ходжаев
		табиий газ таъминоти тизимини ислоҳ қилиш ва рақобат бозорини босқичма-босқич шакллантириш тўғрисида.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	–		Энергетика вазирлиги А.Ахмедходжаев “Ўзтрансгаз” АЖ Б.Нарматов
		<p>3. Эҳтиёжманд аҳолини ҳимоя қилиш учун энергия ресурслари бўйича ижтимоий истеъмол нормаларини киритиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>халқаро экспертлар ва молия институтлари кўмагида мазкур йўналишда халқаро тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш;</p> <p>эҳтиёжманд аҳоли учун энергия ресурсларини ижтимоий истеъмол нормалари бўйича асосланган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>Таҳлилий маълумотлар</p> <p>Ҳисоб-китоблар ва таклифлар</p>	<p>2022 йил февраль</p> <p>2022 йил апрель</p>	<p>Грант маблағлари (халқаро молия институтлари)</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Молия вазирлиги О.Насритдинходжаев Энергетика вазирлиги А.Ахмедходжаев “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Д.Исакулов, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ У.Мустафоев, “Ҳудудгаз-таъминот” АЖ Б.Эшмуратов</p>	
75.	Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз	1. “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 20 та янги майдонларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш орқали истиқболли захиралар миқдорларини	Ҳукумат қарорлари лойиҳалари, чора-	2022 йил	“Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ўз маблағлари	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Энергетика вазирлиги А.Султанов,

	<p>етказиб таъминлаш. берилишини</p>	<p>табiiй газ бўйича 35 млрд куб метрга ва суюқ углеводородлар бўйича 1,0 млн тоннага оширилишини таъминлаш.</p> <p>Республика бўйича табiiй газ қазиб чиқариш прогноз ҳажмларини 2022 йилда 56,3 млрд куб метргача ошириш орқали йиллик газ қазиб чиқариш ҳажмларининг компенсация даражасини 104 фоизгача етказиш.</p> <p>Маҳаллий заводларда суюлтирилган газ ишлаб чиқаришни 2022 йилдаги 832 минг тоннагача кўпайтириш. Бунда:</p> <p>“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 105 та янги қудуқларни бурғилаб ишга тушириш, 594 та қудуқда мукамал таъмирлаш ва интенсификация ишларини бажариш ҳамда 27 та технологик объектни қуриб ишга тушириш;</p> <p>“Ўзтрансгаз” АЖ томонидан 67,4 км магистрал газ қувурлари, компрессор станцияларидаги газ ҳайдаш агрегатлари ва 17 та газ тақсимлаш станцияларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янгидан қуриш;</p> <p>“Ҳудудгазтаъминот” АЖ томонидан 222,8 км газ тармоқларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ҳамда суюлтирилган газ таъминоти инфратузилмасини ривожлантириш.</p>	<p>тадбирлар режаси</p>				<p>“Ўзбекнефтгаз” АЖ М.Абдуллаев</p>
76.	<p>Мис саноати кластерини ташкил этиш орқали мис ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар кўпайтириш ҳамда 8 млрд</p>	<p>1. “Хомашёдан тайёр маҳсулотгача” бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган Мис саноати кластерини ривожлантириш концепциясини хорижий консултантлар билан биргаликда ишлаб чиқиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	2022 йил сентябрь	–	<p>Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров</p>	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров,</p>
			<p>Амалий чора-тадбирлар дастури</p>	2022 йил	“Ўзтрансгаз” АЖнинг ўз маблағлари, инвестициялар ва хорижий кредитлар		<p>“Ўзтрансгаз” АЖ Б.Нарматов</p>
			<p>Амалий чора-тадбирлар дастури</p>	2022 йил	“Ҳудудгазтаъминот” АЖнинг ўз маблағлари		<p>“Ҳудудгазтаъминот” АЖ Б.Эшмуратов</p>

	<p>АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш.</p>	<p>Бунда: 2022-2026 йилларда мис хом ашёсидан юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ цикли ва технологик занжирини яратиш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни; мис ва нодир металллар асосида юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқариш занжирини яратиш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган истиқболли лойиҳалар манзилли дастурини қабул қилишни; мис саноати кластери иштирокчилари учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини яратишни назарда тутиш.</p>					<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, “Олмалиқ КМК” АЖ А.Хурсанов</p>
		<p>2. 2022-2026 йилларда кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарининг янги турларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда, “Навоий КМК” АЖ ва “Олмалиқ КМК” АЖ машинасозлик заводлари негизида кон-металлургия машиналари, техникалари ва ускуналарини ишлаб чиқаришни жорий этиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш ҳамда улар учун зарур жиҳозлар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни назарда тутиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил август</p>	<p>—</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Олмалиқ КМК” АЖ А.Хурсанов, “Навоий КМК” АЖ Қ.Санақулов</p>

		<p>3. Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талаблар ва атроф-муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>атроф-муҳитга чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларни экологик талаблар доирасидан ошмаслигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишни;</p> <p>кон-металлургия саноати корхоналарида илғор хориж тажрибадан келиб чиқиб, экологик менежмент тизимини жорий этишни назарда тутиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил март</p>	<p>—</p>		<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Олмалиқ КМК” АЖ А. Хурсанов, “Навоий КМК” АЖ Қ. Санақулов, Давлат экология қўмитаси И. Боқижонов</p>
		<p>4. Мис саноати кластери учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда соҳада тажриба-конструкторлик ва илмий изланишлар кўламини кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>мис кластерининг кадрларга бўлган эҳтиёжидан ва замонавий касб йўналишларидан келиб чиққан ҳолда электротехника, электроника, дастгоҳсозлик, машинасозлик, металлургия, материалшунослик, “яшил технологиялар”, робототехника, ярим ўтказгичлар физикаси бўйича янги таълим йўналишларида кадрлар тайёрлашни кенгайтиришни;</p> <p>муҳандис, техник ва бошқа ўрта бўғин ишчи-ходимларни тайёрлаш бўйича профессионал таълим ўқув дастурларини амалиёт билан узвий боғлиқликда жорий этишни;</p>	<p>Амалий чоратadbирлар дастури</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>—</p>		<p>Давлат геология қўмитаси Б.Исламов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов, Инновацион ривожланиш вазирлиги И.Абдурахмонов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Олмалиқ КМК” АЖ А.Хурсанов, “Навоий КМК” АЖ Қ.Санақулов</p>

		мис кластери фаолиятига боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари йўналишлари асосида мақсадли давлат буюртмаси портфелини шакллантиришни назарда тутиш.					
77.	Металлургия соҳасида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.	<p>1. “Навоий КМК” АЖда 2026 йилгача қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни ошириш дастури доирасида 1,6 млрд АҚШ долларлик 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш. Хусусан, 2022 йил якунига қадар 13 та инвестиция лойиҳаси доирасида 486,0 млн долларлик хорижий банк кредитини жалб қилиш.</p> <p>2. “Олмалиқ КМК” АЖ конлари негизида рангли ва қимматбаҳо металллар ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг “I-босқичи” (“Ёшлик I конини ўзлаштириш”) инвестиция лойиҳаси амалга ошириш орқали: қуввати 60 млн тоннага тенг 3-сон мис бойитиш фабрикасини қуриш ва 2024 йилда ишга тушириш; 2025 йилда янги металлургия объектларини фойдаланишга топшириш эвазига “Олмалиқ КМК” АЖ ишлаб чиқариш ҳажмини мис катоди бўйича 300 минг тоннага ва олтин бўйича 30,1 тоннага етказиш.</p> <p>3. Мис ва руҳни чуқур қайта ишлаш эвазига юқори қўшилган қийматли маҳсулот турларини кўпайтириш:</p>	<p>ТИА ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳалари</p> <p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p> <p>Амалий чоратadbирлар</p>	<p>график асосида 2022 йил октябрга қадар</p> <p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил апрель</p>	<p>Тасдиқланган ТИАга мувофиқ (комбинат ўз маблағлари, кредит маблағлари)</p> <p>ТИАга мувофиқ (“Олмалиқ КМК” АЖ, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, маҳаллий ва хорижий молия институтлари)</p> <p>Ишчи лойиҳага мувофиқ</p>	<p>Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Навоий КМК” АЖ Қ. Санақулов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Молия вазирлиги Т.Ишметов, “Олмалиқ КМК” АЖ А. Хурсанов, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси Ш. Вафаев</p> <p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни</p>	

		<p>мис ва рух асосида қотишмалардан тасма, фольга, сим ва ҳ.к. - 10 минг тонна; мис кукуни - 2 минг тонна. Ноёб металлари чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қийматли маҳсулот турларини кўпайтириш: молибден ўта тоза тузларидан 150 тонна металл; маҳсус қаттиқ қотишмалар - 18,5 тонна.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил апрель	(комбинат ўз маблағлари, кредит маблағлари)		қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Олмалиқ КМК” АЖ А. Хурсанов
		<p>3. “Ўзметкомбинат” АЖ ишлаб чиқариш қувватларини оширишга қаратилган умумий йиллик қуввати 1,04 млн тонна иссиқ ҳолда прокатланган пўлат лист ўрамларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш . Хусусан, 2022 йилда 96,0 млн АҚШ долларлик инвестициялар, шу жумладан, 50,0 млн АҚШ долларлик хорижий банк кредитини жалб қилиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Тасдиқланган ТИАга мувофиқ (комбинат ўз маблағлари, кредит маблағлари)		“Ўзметкомбинат” АЖ Р.Пирматов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев
		<p>4. Республикада мавжуд темир (Тебинбулоқ, Сюренота) ва вольфрам (Саутбай, Ингичка) конларини саноатда ўзлаштириш ва металлургия корхоналарини барпо этиш мақсадида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш.</p>	Йўл харитаси	2022 йил август	Тасдиқланган ТИАга мувофиқ		Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, Давлат геология қўмитаси Б. Исламов

78.	<p>Кимё ва газ-кимёси соҳаларини ривожлантириш ва табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш орқали кимё саноатида 2 млрд АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш.</p>	<p>1. 2035 йилгача кимё ва газ-кимё саноатини стратегик ривожлантириш-нинг мақсадли дастурини тасдиқлаш. Бунда: Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та кимё ва газ кимё технологик кластерларини ташкил этиш; кластерлар доирасида қиймати 8 млрд АҚШ долларидан ортиқ 60 тадан зиёд истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш эвазига саноат маҳсулот ҳажмини 3 баробарга ошириш, тармоқнинг экспорт кўрсаткичларини 359 млн АҚШ долларидан 874 мл АҚШ долларигача етказиш; талабаларга амалиёт ўташ, илмий-тадқиқот ва инновация марказларини ташкил этиш, илмий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишларни тизимлаштириш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб-китоблар асосида	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, Молия вазирлиги Т.Ишметов, “Ўзкимёсаноат” АЖ Ж.Мирзамахмудов, “Ўзбекнефтгаз” АЖ М. Абдуллаев
		<p>2. Халқаро молия корпорацияси тавсиялари асосида “Навоийазот” АЖ ва унга туташ ҳудудлар негизида кимё технологик кластери фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тегишли қарор лойиҳаси ва “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш. Бунда, ушбу технологик кластер ҳудудида, дастлабки босқичда, 4,5 млрд АҚШ долларлик 33 та инвестиция лойиҳасини хусусий инвесторларни жалб қилиш орқали амалга ошириш ва саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини 2021 йилга нисбатан 1,5 баробарга оширишни назарда тутиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил май	Ҳисоб-китоблар асосида		Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев, Молия вазирлиги Т.Ишметов, “Ўзкимёсаноат” АЖ

							Ж.Мирзамахмудов
		3. Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида “ Чирчиқ-Химград индустриал парки ”ни ташкил этиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил февраль	Ҳисоб-китоблар асосида (соҳа корхоналари маблағлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар)		“Ўзкимёсаноат” АЖ Ж.Мирзамахмудов , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров , Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев , Молия вазирлиги Т.Ишметов
		4. Кимё ва нефть-газ кимёси соҳалари учун замонавий асбоб-ускуналар, машина ва жиҳозлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил июль	–		Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров , Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш.Вафаев , “Ўзкимёсаноат” АЖ Ж.Мирзамахмудов
79.	Чирчиқ шаҳрида қишлоқ хўжалиги машинасозлигининг ишлаб чиқаришини ягона sanoat кластер усулида ташкил этиш.	1. Қишлоқ хўжалиги машинасозлик корхоналарнинг қувватларидан Тошкент шаҳар чегарасидан олиб чиқиш ҳамда Чирчиқ шаҳрида яхлит қишлоқ хўжалиги	Амалий чоратадбирлар	тасдиқланган режа-жадвал асосида	Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги

		<p>машинасозлиги кластерини ташкил қилиш.</p>			<p>белгиланган молиялаштириш ҳажми ва манбалари доирасида</p>		<p>Б.Абдиназаров, “Ўзавтосаноат” АЖ Ш. Умурзаков</p>
		<p>2. Қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган техника ва тиркамалар турлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш.</p> <p>Бунда: хорижий ҳамкорлар билан кооперация алоқаларини мустақамлаш, 4 000 дона бюджет тоифадаги трактор ҳамда юқори унумдор техника турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш (камида 90 фоиз) ҳамда маҳаллийлаштириш даражаси 50 фоизга етказиш; маҳсулот таннархини ўртача 20 фоизга пасайтириш ҳамда корхоналарнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, фойда билан ишлашни таъминлаш; конструкторлик марказини ривожлантириш ва ходимларининг малакасини ошириш.</p>	Амалий чоратадбирлар	тасдиқланган режа-жадвал асосида	Ҳисобкитоблар асосида (корхоналар ўз маблағлари)		<p>“Ўзавтосаноат” АЖ Ш. Умурзаков, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров</p>
80.	<p>Автомобил саноатида кооперацияни янада ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга, экспорт ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини ошириш.</p>	<p>1. Соҳадаги мавжуд корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларни ошириш мақсадида: янги бирлашган глобал платформасига (“GEM”) ўтиш орқали йиллик қуввати 190 минг дона бўлган 2 та янги енгил автомобил моделини ишлаб чиқаришни бошлаш;</p>	Инвестиция лойиҳалар	2022-2023 йиллар	–	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	<p>Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, “Ўзавтосаноат” АЖ Ш. Умурзаков</p>

		<p>“UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиалининг автомобиль ишлаб чиқариш қувватини 70 мингдан 100 мингга ошириш.</p>		2022 йил 4 чорак			
		<p>2. Экспорт ҳажмини 2026 йилга қадар 1 млрд АҚШ долларига етказиш бўйича “йўл.харитаси”ни ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда: ишлаб чиқариладиган автомобилларни хорижий давлатларда SKD технологияси асосида ишлаб чиқаришни ташкил этиш; “Нексия” русумли автомобилларни Қозоғистон Республикасида тўлиқ циклда (CKD) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали йилига 30 минг донагача машинокомплектлар экспортини амалга ошириш.</p>	Йўл харитаси	2022 йил октябрь	—		
		<p>3. Енгил автомобиллар маҳаллийлаштириш даражасини 60 фоизга етказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда, Андижон вилоятида ташкил қилинган “Машинасозлик ва электротехника махсус саноат хаби” махсус саноат зонаси ва бошқа ҳудудларда автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган 151,3 млн АҚШ долларлик 8 та янги лойиҳаларни 2022-2024 йилларда ишга туширишни назарда тутиш.</p>	Йўл харитаси	2022 йил 1 чорак	151,3 млн долл.		
81.	<p>Жиззах вилоятида автомобиль саноатининг йирик кластерини ташкил этиш.</p>	<p>1. Тайёр автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, конструкторлик, логистика, кадр тайёрлаш соҳаларини қамраб олиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ва амалий чора-тадбирлар	2022-2026 йиллар	500 млн доллар банк кредити, ташаббускор	Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков	Жиззах вилояти ҳокимлиги Э.Салиев , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

		<p>2. Жиззах шаҳри, Пахтакор ва Шароф Рашидов туманларида 500 миллион долларлик лойиҳаларни амалга оширилиб, автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйиш.</p> <p>3. Шароф Рашидов туманида автомобиллар учун кузов панеллари, пластик қисмлар, ўриндиқлар, ёқилғи баклари ва бошқа бутловчи ҳамда эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш.</p>			лар маблағлари		қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов
82.	Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробар га кўпайтириш.	<p>2022-2026 йилларда 5 млрд АҚШ долларлик лойиҳаларини амалга ошириш орқали қурилиш материаллари соҳасини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>ҳудудларда 14 та уй-жой қурилиш кластерлари ва 8 та ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кластерларини ташкил этиш ҳамда 2 ой муддатда лойиҳалар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>16 та ихтисослаштирилган туман (шаҳар)ларда бошқа ҳудудлар билан саноат кооперациясини йўлга қўйиш;</p> <p>янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва бошқа қурилиш харажатларини камайтириш ҳисобига қурилишга кетаётган вақтни 30 фоизга камайтириш ҳамда қурилиш таннарини 20 фоизга арзонлаштириш;</p> <p>соҳадаги 1 650 та корхоналарда техник талабларни амалда қўлланишини баҳолаб, корхоналарда 4,5 мингдан зиёд халқаро стандартлар ва 6 та техник регламентларни жорий қилиш, экспортёр</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил ноябрь	5 млрд долл.	Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков	“Ўзсаноатқурилиш банк” С.Аннакличев, “Ўзсаноатқурилиш материал-лари” уюшмаси А.Баходиров, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов

		корхоналарда чет мамлакатларнинг талабларини етказиш бўйича корхонабай чора-тадбирларни белгилаб, амалга ошириш.					
83.	Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баробарга кўпайтириш.	<p>1. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини 2022-2026 йилларда кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>Бунда: ип-калавани чуқур қайта ишлаш (2026 йилга қадар ип калавани тўлиқ қайта ишлашни йўлга қўйиш), ишлаб чиқариш занжирида мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга қаратилган лойиҳалар рўйхатини шакллантириш; тайёр маҳсулотлар учун миллий брендларни ривожлантириш ва уларнинг экспортини ошириш, жумладан миллий ва хорижий бренддаги тайёр маҳсулот экспорти ҳажмини 2026 йилда 5 млрд АҚШ долларига етказиш; соҳада иш ўринларини 570 минг нафарга етказиш, жумладан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб Тошкент тўқимачилик технопарки ва бошқа алоқадор Олий ўқув юртларида соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш; сунъий толани қайта ишлаш ҳажмларини 200 минг тоннага етказишни кўзда тутиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисоб-китоблар асосида	Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков	“Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси И. Ҳайдаров , Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
		2. Наманган шаҳри, Тўрақўрғон ва Чортоқ туманларида “Наманган Текстайл” индустриал зонасини ташкил қилиш бўйича дастурни ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил III чорак	Ҳисоб-китоблар асосида	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов ,	

							Наманган вилояти ҳокимлиги Ш.Абдуразаков, “Ўзтўқимачилик-саноат” уюшмаси И. Ҳайдаров
		3. Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар ходимларни юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўқитиш харажатларининг 50 фоизини Бандлик жамғармасидан қоплаб бериш тизимини жорий этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил июль	Ҳисоб-китоб ва таҳлиллар асосида		Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Хусанов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев
		4. Наманган муҳандислик-технология институти негизида Наманган тўқимачилик саноати институти ни ташкил этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	мазкур мақсадлар учун кўзда тутилган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар доирасида		Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов, Наманган вилоят ҳокимлиги Ш.Абдуразаков
84.	Чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини 3 баробарга кўпайтириш.	1. Ҳудудларда чарм маҳсулотидан пойабзал ва чарм-атторлик тайёр маҳсулотлари, шунингдек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги мавжуд бўшлиқларни тўлдириш орқали 2026 йилга бориб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш	Чоратадбирлар дастури	2022 йил март	–	Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков	“Ўзчармсаноат” уюшмаси Ф. Бобоев, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов,

		бунда, тайёр чарм маҳсулотларини 2,3 баробарга (3 463,5 млн кв. дмга) , пойабзал маҳсулотларини 2,8 баробарга (318,6 млн жуфтга) , чарм-атторлик маҳсулотларини 2,6 баробарга (270,0 млрд сўмга) , чармдан кийим-кечакларни 2 баробарга (54,4 минг донага) , импорт ўрнини босувчи бутловчи ва бошқа турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни 1,3 баробарга (1 820,2 млрд сўмга) ҳамда соҳанинг экспорт кўрсаткичларини 1 150,0 млн АҚШ доллари га етказиш.					Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
85.	Фармацевтика саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар кўпайтириш ва маҳаллий бозорни таъминлаш даражасини 80 фоизга етказиш.	1. 2022-2024 йилларга мўлжалланган фармацевтика саноатини янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда: қисқа ва узоқ муддатли “офтейк шартнома”си тузиш орқали кафолатли сотиб олиш механизмини жорий этиш; маҳаллий фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларга енгилликлар яратиш; маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва маҳсулотлар сифатини халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш.	Амалий чора-тадбирлар дастури	2022 йил май	–	Бош вазир ўринбосари С. Умурзаков	Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги С. Кариев, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов
		2. Зангиота туманидаги “Tashkent Pharma Park” инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластери ҳудудини қўшимча 80 гектарга кенгайтириш орқали Биотехнологик кластер ташкил этиш. Бунда, қиймати 805 млн АҚШ долларлик 18 та лойиҳа доирасида генетик-муҳандислик препаратлари,	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил март	805 млн АҚШ доллари		Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги С.Кариев

		<p>онкологик стерил дори воситалари, иммун таначалари, юрак-қон томир касалликларига қарши дори воситалари, эндокринологик препаратлар, гормонал препаратлар, вакциналар, парентерал озиклантириш учун препаратлар, қон плазмаси асосида дори воситалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш.</p>					
		<p>3. Илғор технологиялар маркази ҳудудида халқаро GMP стандартлари асосида 8 йўналишдаги муҳим биотехнологик маҳсулотларини (<i>вакциналар, дори воситалари, гормонлар, антитаналар, оқсиллар, пептидлар</i>) тажриба-саноат ишлаб чиқариш бўйича кичик фармацевтика корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда: тажриба-саноат ишлаб чиқариш тузилмасини Илғор технологиялар маркази ҳудудида ташкил қилиш ва зарур асбоб-ускуна билан таъминлаш; рекомбинант технологияларга асосланган маҳаллий биотехнологик маҳсулотларни вакцина ва рекомбинат оқсиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш; саратон ва аутоиммун касалликларини даволаш учун моноклонал антитаначаларга асосланган юқори технологияли дори препаратларини яратиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил март</p>	<p>Давлат илмий дастурлари доирасида ажратилган маблағлар</p>		<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги И.Абдурахмонов</p>
		<p>4. Доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида 17 турдаги субстанциялар ва биологик фаол моддалар ишлаб</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил март</p>	<p>Давлат илмий дастурлари доирасида</p>		<p>Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги</p>

		<p>чиқаришни йўлга қўйиш дастурини ишлаб чиқиш. Жумладан:</p> <p>Йилига 1 000 тонна эндемик доривор ўсимликларни қайта ишлаш асосида O'z DSt ISO 22000:2019 ҳамда халқаро ISO 22000:2018 стандартига жавоб берадиган “Туркистон аюгаси”, расторопша, родиола, люцерна экстрактларини ишлаб чиқариш;</p> <p>12 турдаги экстракт ва биологик фаол қўшимча тажриба намуналарини ишлаб чиқариш ва сертификатлаш;</p> <p>- йилига 83,8 тонна доривор ўсимликлар экстрактларини (анор қовуғи, қизилмия илдизи, наъматак меваси, узум уруғи ва қовуғи) қайта ишлаш асосида биологик фаол моддалар субстанцияларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;</p> <p>5 турдаги биологик фаол модда субстанциялари ва якуний маҳсулотни ишлаб чиқариш линияларини ишга тушириш.</p>			ажратилган маблағлар		<p>С.Кариев, Инновацион ривожланиш вазирлиги И.Абдурахмонов</p>
		<p>5. Республика ҳудудида клиник тадқиқотларни ривожлантириш ҳамда клиник базаларни жаҳон стандартлари асосида модернизация қилиш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p>	<p>2022 йил март</p>	<p>Ҳисоб-китобларга кўра</p>		<p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги Б.Мусаев, Молия вазирлиги Ж.Абруев</p>
<p>86.</p>	<p>Электротехника саноатида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга ва экспортини 3 бараварга ошириш.</p>	<p>1. 2022-2026 йилларда 700 млн АҚШ долларлик 168 та инвестиция лойиҳаларни амалга ошириб, янги турдаги маҳсулотлар ўзлаштириш ва маҳаллийлаштириш даражаси ўртача 60 фоизга етказиш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Йўл харитаси</p>	<p>2022 йил февраль</p>	<p>700 млн АҚШ доллари</p>	<p>Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков</p>	<p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси М.Юнусов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов,</p>

		<p>2. Республикада медицина ускуналари, диагностика қурилмалари ва муқобил энергетика учун қурилмаларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Бунда:</p> <p>соҳани ривожлантириш истиқболларини ва мамлакатимиз иқтисодиётининг эҳтиёжи ҳамда экспорт бозорларини таҳлил қилиш;</p> <p>мамлакатда ўзлаштириш иқтисодий асосланган медицина ускуна, диагностика қурилмалари ва муқобил энергетика учун қурилмалари турларини аниқлаш ва уларни ўзлаштириш чораларини кўриш;</p> <p>хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда маҳаллий медицина ускуна, диагностика қурилмалари ва муқобил энергетика учун қурилмалари ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;</p> <p>тегишли қарор лойиҳасини ишлаб чиқиб, вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил сентябрь	—		<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги</p> <p>А.Воитов,</p> <p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси</p> <p>М.Юнусов,</p> <p>Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги</p> <p>С.Кариев</p>
		<p>3. Электротехника соҳасида илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишларини ривожлантириш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	—		<p>Инновацион ривожлантириш вазирлиги</p> <p>И.Абдурахмонов,</p> <p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси</p> <p>М.Юнусов</p>
		<p>4. Электротехника соҳасига кадрлар етказиб беришнинг янгича тизимини йўлга қўйиш:</p> <p>республиканинг умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари учун:</p>	Амалий чоратадбирлар	2022 йил давомида	—		<p>Олий таълим вазирлиги</p> <p>А.Тошқулов,</p> <p>Халқ таълим вазирлиги</p> <p>Б.Саидов,</p>

		<p>меҳнат дарсларига мўлжалланган соатларни электротехника соҳасига йўналтириш;</p> <p>электротехника соҳасидаги корхоналарга экскурсиялар ташкил этиш.</p> <p>электротехника саноатида замонавий билим ва кўникмаларга эга малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида республикада мавжуд олий таълим муассасалари қошида жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда факультетлар ташкил этиш;</p> <p>ривожланган мамлакатларда ўз самарасини берган “Дуал таълим” дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;</p> <p>халқаро таълим тизими орқали электротехника саноати тармоғидаги илғор йўналишларга ҳар йилда соҳада фаолият юритаётган 20 тадан мутахассисларнинг хорижий таълим ва бошқа ташкилотларда халқаро таълим дастурлари орқали ўқишини тизимли ташкил этиш.</p>					<p>“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси</p> <p>М.Юнусов</p>
87.	<p>Озиқ-овқат ривожлантириш амалга ошириш.</p> <p>саноатини дастурини</p>	<p>Озиқ-овқат хом ашё базасини кенгайтириш ва органик маҳсулотлар ҳажмини босқичма-босқич ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.</p> <p>Бунда,</p> <p>2022 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 440 млн АҚШ доллари бўлган 50 та йирик лойиҳани амалга ошириш;</p>	Амалий чора-тадбирлар дастури	2022 йил I чорак	Ҳисоб-китоблар асосида	Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ж.Ходжаев, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов

		2026 йилга бориб озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини 7,4 млн тоннага , қайта ишлаш даражасини сут бўйича 32 фоиз , гўшт - 25 фоиз , мева-сабзавот - 28 фоизга етказиш.					
88.	Йирик саноат тармоқлари ва ҳудудий корхоналар ўртасида саноат кооперацияни янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш.	Ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларини ва Республика саноат ярмаркасини юқори даражада ўтказишни ташкил қилиш. Бунда: ҳудудий тармоқлараро саноат ярмаркаларида ҳудудлардаги тармоқлар ва йирик корхоналари томонидан асосий фаолият тури бўйича кооперация асосида ўзлаштириш тавсия этиладиган товарлар турларини намойиш этиш; йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнида зарур қурилиш материаллари, металлоконструкция ва ускуналар, тез ишдан чиқувчи ва доимий фойдаланиладиган бутловчи қисмларни ўзлаштириш ва сотиб олиш бўйича маҳаллий корхоналар билан шартномаларни имзолаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил февраль	—	Бош вазир ўринбосари С.Умурзаков	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги А.Воитов , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров
89.	Саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини кенг жорий қилиш.	Халқаро илғор тажрибадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача меҳнат унумдорлигини ошириш концепциясини ишлаб чиқиш . Бунда: меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан бири сифатида “Жараёнлар фабрикасини” ўқув ишлаб чиқариш лабораторияларини ташкил этиш; саноат тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш дастурларини ва мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси Ҳукумат қарорлари лойиҳалари	2022 йил июнь	—	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров , Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Э. Мухитдинов

		“Навоий механика заводи” АЖ ва “Марказий механика-таъмирлаш заводи” АЖда меҳнат унумдорлигини оширишда хорижий ташкилотлар ҳамкорлигида дастлабки (пилот) лойиҳаларини амалга ошириш.	Норматив-хуқуқий ҳужжат лойиҳаси				
23-мақсад: Геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш							
90.	Истиқболли майдонларда геология-қидирув ва конларда қазиб олиш ишларига шаффоф механизмлар асосида маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш.	<p>1. Республика инвестиция дастуридаги тегишли лойиҳалар доирасида хорижий ҳамкорлар билан тўғридан-тўғри инвестицияларни тўлиқ ўзлаштириш.</p> <p>2. Янги геологик объектларни инвесторларга таклиф этиш бўйича танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва савдоларни ташкил этиш юзасидан таклифларни тайёрлаш.</p> <p>3. Геологик объектлар бўйича ер қаъридан фойдаланиш рухсатномаларини аукцион ва танлов савдолари орқали маҳаллий ва хорижий инвесторларга таклиф этиш.</p> <p>4. Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари ва инвестициявий мажбуриятларни бажариш бўйича тизимли мониторинг олиб бориш.</p>	Инвестиция лойиҳалари тармоқ жадваллари, танлов ҳужжатлари	2022 йил давомида	–	Бош вазир ўринбосарлари С.Умурзаков, Ж.Қўчқоров	Давлат геология қўмитаси Б. Исламов, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ш. Вафаев, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б. Абдиназаров
91.	Иқтисодиёт учун зарур минерал хом ашё базасини кенгайтириш.	<p>Геология соҳасини истиқболли ривожлантириш ҳамда олиб борилаётган геология-қидирув ишларини янада жадаллаштиришга қаратилган мақсадли дастур доирасида йиллик минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда 2022 йилда:</p> <p>1. Истиқболли ҳудудларда регионал масштабдаги геологик ишларни жадаллаштириш:</p>	Йиллик геология-қидирув ишлари дастури лойиҳаси	2022 йил февраль	Йиллик дастурда ажратилган лимитлар доирасида (Давлат бюджети маблағлари)	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Давлат геология қўмитаси Б. Исламов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Б.Абдиназаров, Молия вазирлиги Т. Ишметов

89,7 минг кв км ҳудудда йирик ва ўрта масштабда **рақамли геологик хариталарини** тузиш;

3,9 минг кв км космогеологик комплекс хариталаш;

0,5 минг кв км ер усти геофизик ва **1,8 минг кв км** аэрогеофизик тасвирлаш.

2. Қимматбаҳо, рангли, ноёб металллар, уран, углеводород ва ер ости сувлари хом ашё базасини кескин кенгайтириш:

132 тонна олтин ва **200 тонна кумуш** захираларини кўпайтириш (*Букантов, Томдитов, Чотқол-Қурама, Ҳисор, Кулжуктов, Султанувайс тоғлари* ва бошқалар, **20 тадан** ортиқ объект);

255 минг тонна мис, 50 минг тонна қўрғошин ва **48 минг тонна рух** захираларини кўпайтириш;

8 минг тонна вольфрам захираларини кўпайтириш;

240.	Ҳудудларда оилавий поликлиникаларни ташкил этиш.	Ҳудуддаги мавжуд эҳтиёж, аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда 31 та оилавий поликлиникани ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил октябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Бош вазир ўринбосари (<i>лавозим бўйича</i>),	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Б. Мусаев ,

241.	Худудларда оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш.	Худуддаги мавжуд эҳтиёж, аҳоли томонидан билдирилган таклифларини инобатга олган ҳолда 105 та оилавий шифокор пунктларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил ноябрь	Маҳаллий бюджет маблағлари	Бош вазир ўринбосари (<i>лавозим бўйича</i>)	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Қ.Сариев , Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
65-мақсад: Малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш							
242.	Шифокорларни моддий рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш.	1. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашда кўрсатиладиган тиббий хизмат тури ва мураккаблиги , шунингдек эришилган натижага кўра ўзгаришини назарда тутувчи тизим яратиш.	Норматив ҳуқуқий-ҳужжат лойиҳаси	2022 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров	Соғлиқни сақлаш вазирлиги Б.Мусаев , Молия вазирлиги Т.Ишметов
66-мақсад: Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш							
243.	Ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш.	Халқаро тажрибани ўрганган ҳолда соғлиғи ва ҳаёт фаолиятининг (функцияларининг) чекланиши халқаро классификацияси асосида фуқароларга ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига ўтиш Концепцияси ва унинг тамойилларини амалга ошириш борасидаги Йўл харитасини ишлаб чиқишни назарда тутиш; ногиронликни белгилаш мезонларини жаҳон андозаларига мос ижтимоий моделга босқичма-босқич ўтказиш; тиббий-ижтимоий экспертиза жараёнини рақамлаштириш, унда инсон омили иштирокини максимал камайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий эксперт комиссияларида ҳисобга олиш ва кўриқдан ўтказишнинг янги электрон ахборот тизимини жорий этишни назарда тутиш.	Норматив ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китоблар асосида	Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров	Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги, А.Инаков , Молия вазирлиги Т.Ишметов , Бандлик ва меҳнат муносабати вазирлиги Н.Хусанов , Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов , вазирлик ва идоралар

244.	<p>Имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 12 минг нафар шахсларнинг бандлигини таъминлаш.</p>	<p>Имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Миллий дастур ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан ҳар бир ногиронлиги бўлган шахсларни ишлаши мумкин бўлган касблари тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда “Бандлик хизмати” ахборот тизимига интеграция қилиш;</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ташкилотнинг ходимга иш ҳақи ҳисобланганлиги ва даромад солиғи тўланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳамда Ягона миллий меҳнат тизимидаги меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказиш;</p> <p>12 минг нафар ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш;</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш учун касбий таълим муассасаларига имтиёзлар бериш;</p> <p>ногиронлиги бўлган шахсларни тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиши учун имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш</p>	<p>2022 йил июль</p> <p>2022 йил ноябрь</p>	<p>Ҳисоб-китоблар асосида</p>	<p>Бош вазир ўринбосари Ж. Қўчқоров</p>	<p>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Хусанов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги А.Инақов, Молия вазирлиги Т.Ишметов</p>
67-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш							
245.	<p>Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг, ўқувчи ва талабаларнинг умумий сонини ошириш.</p>	<p>1. Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолини 2022 йилда 24 фоизга чиқариш. Бунда:</p> <p>оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини соғлом турмуш тарзига ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланиш бўйича тарғибот материалларини тайёрлаш.</p>	<p>Амалий чора-тадбирлар</p>	<p>2022 йил давомида</p>	<p>Смета харажатлари асосида</p>	<p>Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов</p>	<p>Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов, Маҳалла ва оилани қўллаб-</p>

		<p>маҳаллаларда спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароитларни яратиш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш;</p> <p>маҳалла, туман ва вилоят кесимларида спорт тадбирларини ташкил қилиш.</p> <p>2. Жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинган ёшлар улушини 33 фоизга етказиш. Маҳаллаларда спорт билан шуғулланувчилар учун қўшимча имкониятлар яратиш. Бунда:</p> <p>маҳаллада ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарурий инфратузилмани яратиш;</p> <p>республика ҳудудларида кенг тарқалган оммавий спорт турлари асосида республика мусобақаларини ўтказиш тизимини яратиш;</p> <p>маҳалла ёшларини спортга жалб қилиш даражаси рейтингини шакллантириш ҳамда мониторинги асосида маҳаллаларда спорт билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни 2022 йилда 32 фоизга ошириш.</p>				<p>қувватлаш вазирлиги С.Турдиев, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
246.	Республика ёшлари ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш .	<p>1. Бунда:</p> <p>миллий спорт турлари тўғрисида дарслик ва адабиётларнинг янги авлодини яратиш;</p> <p>таълим муассасаларида миллий спорт турларини ўқитиш ва мутахассислар тайёрлаш tizimini yangilash.</p> <p>2. Жойларда оилавий спортни рағбатлантириш ва анъанага айлантириш.</p> <p>Бунда:</p> <p>оилавий спорт билан шуғулланишни рағбатлантириш, спорт билан мунтазам шуғулланувчи оилаларга қўшимча</p>	Амалий чора-тадбирлар дастури	2022 йил апрель		<p>Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги С.Турдиев, Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар</p>

		<p>имкониятлар яратиш ва оилавий спорт тадбирларини ривожлантириш; оилавий спорт билан шуғулланиш учун маҳалларда, истироҳат боғларида шароит яратиш; имконияти чекланган ёшлар учун инфратузилма яратиш.</p>					<p>Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Туризм ва спорт вазирлиги А.Каримов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги С.Турдиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>
247.	<p>Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш, аҳолига жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун шароит яратиш.</p>	<p>1. Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш. 2. Юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш. 3. Ҳар бир барпо этиладиган “Яшил ҳудуд”ларда югуриш, велосипедда ҳаракатланиш учун “Саломатлик йўлаклари” ҳамда бадминтон, стритбол ва воркаут майдончаларини ташкил этиш.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	<p>Туризм ва спорт вазирлиги А.Каримов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>

248.	Давлат органлари ходимлари ва аҳоли ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш.	1. Вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимларини ва аҳолини спорт тадбирларига жалб қилиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил қилиш. 2. Доимий равишда оммавий ахборот, баннерлар ва видео роликлар орқали таниқли спортчилар фаолиятини ёритиб бориш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил	Ижрочилар маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
249.	Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича 3 босқичли мусобақаларни умумреспублика миқёсида ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш	1. Спорт мусобақаларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш. 2. Спорт мусобақалари ўтказиладиган спорт объектлари инфратузилмаси яхшилаш ва зарур спорт инвентарлари билан жиҳозлаш. 3. Спорт мусобақаларини юқори даражада ташкил этиш ва ғолиб ва совриндорларини муносиб рағбатлантириш. 4. Спорт мусобақаларига тайёргарлик ишлари боришини оммавий ахборот воситалари орқали, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг ёритилишини ташкил этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил май	Республика бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Туризм ва спорт вазирлиги А.Каримов , тегишли вазирлик ва идоралар
250.	Спорт-таълим муассасаларида тренер ва мутахассисларнинг сифат таркибини ошириш.	1. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларига қабул кўрсаткичларини ошириш ҳисобига фаолият юритаётган олий маълумотли тренерларнинг амалдаги 54 фоиз улушини 2022 йилда 62 фоизга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил	–	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Туризм ва спорт вазирилиги А.Аққулов

		2. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ва унинг филиаллари битирувчиларини спорт таълими муассасаларига жалб этиш.					
68-мақсад: Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш							
251.	Олимпия ва Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, шунингдек, спорт мактабларини кўпайтириш ва янги спорт объектларини барпо этиш.	<p>1. Республика ва халқаро мусобақалардаги эришилган натижаларга асосан олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича лицензияли мусобақаларда иштирок этиш учун мамлакат терма жамоасининг асосий таркибини ва Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этиш учун Ўзбекистон спорт делегацияси таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Олимпия ўйинларига киритилган жамоавий (футбол, гандбол, баскетбол, волейбол, регби, чим устида хоккей, бадминтон, сув спорти турлари) ва бошқа спорт турларини ривожлантириш.</p> <p>Жамоавий ва бошқа спорт турларини оммалаштириш, ёшларни спорт клублари, секциялар ва тўгаракларга фаол жалб қилиш.</p> <p>Жамоавий ва бошқа спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасини нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этишини таъминлаш.</p> <p>3. Ёзги паралимпия спорт турларини ривожлантириш. Бунда, паралимпия спортчилари орасида соғлом турмуш тарзини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш. Хусусан, мазкур ташаббусни халқимизнинг имконияти</p>	Вазирлик буйруғи	2022 йил давомида	Смета харажатлари асосида	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов , Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар
			Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Ижрочилар маблағлари		Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов , Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар
			Медиа-режа	2022 йил	Ижрочилар маблағлари		Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов , Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар

		чекланган вакиллари қатламида тарғиб қилиш . 4. Ёшларни спортга жалб этиш ва уларни қамраб олиш. Бунда, ҳар бир туман кесимида оммавий спорт турлари бўйича спорт клубларини ташкил қилиш ва жамоалар ўртасида анъанавий спорт мусобақаларини ташкил этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил	Республика ва маҳаллий бюджет маблағлари		Туризм ва спорт вазири ўринбосари А.Каримов , Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси
252.	Қишки Олимпия ва Паралимпия спорт турларини ривожлантириш.	1. 2026 йил Милан шаҳрида бўлиб ўтадиган XXV қишки Олимпия ва XIV Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш. 2. Хусусий клублар фаолиятини ташкил этиш. 3. 2026 йилга қадар қишки ва экстремал спорт турлари, шу жумладан тоғ-чанғи спортини ривожлантириш мақсадида энг илғор ва инновацион технологиялар жалб қилган ҳолда салоҳиятли ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш. 4. Мавжуд салоҳият ва имкониятдан келиб чиқиб, ҳудудларни қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш бўйича ихтисослаштириш . 5. Қишки спорт турларига ихтисослаштирилган ҳудудларда тегишли спорт турларини ривожлантириш, миллий жамоа аъзоларини шакллантириш ва 2023 йилдан бошлаб, халқаро мусобақаларда уларнинг иштирокини таъминлаш .	Ўзбекистон Республикаси и Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Давлат бюджети ва ҳомийлик маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Туризм ва спорт вазирлиги А.Каримов , Молия вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Миллий паралимпия қўмитаси, олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича федерация (ассоциация)лар
69-мақсад: Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш							
253.	Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш.	1. 2022–2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан	Олий Мажлис Сенати раиси Т.Нарбаева	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги

бўйича Миллий дастур ҳамда уни 2022–2023 йилларда амалга оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.

2. Хотин-қизларнинг таълим олишига қўшимча шарт-шароитларни яратиш, илм-фан соҳасида аёлларнинг ўрнини янада ошириш.

3. Хотин-қизлар ўртасида бизнес кўникмаларини шакллантириш бўйича бепул ўқув амалий курсларини ташкил этиш, имтиёзли кредитлар ва лизинг ажратиш, хотин-қизларни ишга жалб қилган ҳолда кооперация усулида тадбиркорликни йўлга қўйиш.

4. “Аёллар дафтари”га киритилган ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозим бўлган хотин-қизларнинг тиббий муолажа харажатларини қоплаб бериш.

5. Оила институтини мустаҳкамлаш борасидаги ишларни тизимлаштириш ва самарадорлигини янада ошириш.

(келишув асосида),
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
маслаҳатчиси
ўринбосари
О.Салиев

Р.Маматов
Молия вазирлиги
Т.Ишметов,
Иқтисодий
тараққиёт ва
камбағалликни
қисқартириш
вазирлиги
С.Холхўжаев,
Бандлик ва
меҳнат
муносабатлари
вазирлиги
Н.Хусанов,
Марказий банк
А.Камалов,
“Халқ банки” АТ
Ш.Отабоев,
“Микрокредитба
нк” АТБ
О.Бутаев,
“Агробанк” АТБ
Р.Маматқулов,
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги
Б.Мусаев,
Олий ва ўрта
махсус таълим
вазирлиги
А.Тошқулов,
Халқ таълими
вазирлиги
Б.Саидов,
Ўзбекистон
Касаба

							уюшмалари Федерацияси Қ.Рафиков
254.	“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. “Аёллар дафтари” орқали хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этиш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш.</p> <p>2. Орттирилган тажрибадан келиб чиқиб, “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тартиби ҳамда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги намунавий низом лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан	Бош вазир ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Молия вазирлиги Т.Ишметов, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Н.Хусанов, Марказий банк А.Камалов, “Халқ банки” АТ Ш.Отабоев, “Микрокредитбанк” АТБ О.Бутаев, “Агробанк” АТБ Р.Маматқулов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Қ.Рафиков

70-мақсад: Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш

255.	Ёшларни ватанга садоқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга даҳлдорлик руҳида тарбиялашга қаратилган чоратадбирлар самарадорлигини ошириш.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари, Тошкент шаҳри, барча туман ва шаҳарларда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик” шиори остида ёшлар фестиваллари ва форумларини ташкил этиш.	Вазирлар Маҳкамаси баёни	2022 йил апрель-июнь	–	Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Ёшлар ишлари агентлиги А.Саъдуллаев , Маданият вазирлиги О.Назарбеков , Туризм ва спорт вазирлиги А.Каримов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
256.	Ёшлар билан ишлашнинг самарали бошқарув тизимини жорий этиш.	Ёшлар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш ва соҳада янгича бошқарув механизмларини жорий этиш. Маҳаллаларда ёшлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш.	Амалий чора тадбирлар	2022 йил	–	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ.Қуранбаев , Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари А.Джурабаев	Ёшлар ишлари агентлиги А.Саъдуллаев , Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги С.Холхўжаев

V. МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СОҲАНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ

(масъуллар – Х.Султонов ва А.Абдухакимов)

71-мақсад: Эзгулик ва инсонпарварлик тамойилига асосланган “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” ғоясини кенг тарғиб этиш орқали жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш

257.	“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш.	“Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини ва уни амалга ошириш миллий дастурини ишлаб	Ўзбекистон Республикаси Президенти	2022 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари (лавозим	Республика Маънавият ва маърифат
------	--	---	------------------------------------	-----------------	---------------------------	----------------------------------	----------------------------------

		чиқиш.	қарори лойиҳаси			<i>бўйича)</i>	маркази М.Ҳожиматов
258.	“Ёшлар – Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” шиори остида “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” ғоясининг рўёбга чиқарилишини таъминлаш.	<p>1. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” мавзусида плакатлар туркуми, мультимедиа ва бошқа замонавий тарғибот маҳсулотлари яратиш.</p> <p>2. “Ўзбекистон қаҳрамонлари”, “Маънавият луғати” китобларининг тақдимотини ўтказиш.</p> <p>3. Ҳар йили анъанавий тарзда “Маънавият фестивали” ни ўтказиб бориш.</p>	Чора-тадбирлар режаси	2022 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Республика Маънавият ва маърифат маркази М.Ҳожиматов
259.	Ўзбек халқининг миллий қадриятлари ва маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг оммалаштириш ҳамда ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.	<p>1. Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, маънавий мероси, номоддий маданий мерос элементларини муҳофаза қилиш ва оммалаштириш бўйича 2022–2026 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Номоддий маданий мерос элементларини ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тегишли умумэтироф этилган рўйхатларига киритишга эришиш.</p> <p>3. “Тайёрлаш – ўргатиш – ўрганиш – тиклаш – сақлаш – оммалаштириш – сотиш” узлуксиз яхлит тизим асосида номоддий маданий меросни ривожлантириш кластерлари ташкил этиш.</p> <p>4. “Миллий қадриятлар ойлиги” ва “Миллий қадриятлар сайли” ни ўтказиб бориш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил июль	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Маданият вазирлиги О.Назарбеков, Республика Маънавият ва маърифат маркази М.Ҳожиматов, ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия Г.Умерова
260.	Маънавий тараққиётни таъминлаш доирасида замонавий тарғибот механизмларини жорий этиш.	Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг таъсирчан, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида амалга ошириш чораларини кўриш.	Чора-тадбирлар дастури	2022 йил апрель	–	Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Республика Маънавият ва маърифат маркази М. Ҳожиматов

261.	Маънавий жиҳатдан соғлом ахборот маконини шакллантириш.	Оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши таъминлаш, ёлғон ва деструктив маълумотларнинг тарқатилишининг олдини олиш.	Амалий чора-тадбирлар	Йил давомид а	–	Бош вазир ўринбосари (<i>лавозим бўйича</i>)	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А.Ходжаев , Республика Маънавият ва маърифат маркази М. Ҳожиматов
262.	Худудларда “Жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш.	1. “Маҳалла – туман – вилоят – республика” тамойили асосида худудлар кесимида ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш, бу жараёнга замонавий тарғибот технологияларини кенг жорий этиш. 2. Тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни шакллантириш.	Амалий чора-тадбирлар	Йил давомид а	–	Бош вазир ўринбосари (<i>лавозим бўйича</i>)	Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Республика Маънавият ва маърифат маркази М. Ҳожиматов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
263.	Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини янада кучайтириш.	1. Ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурига Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича Комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. 2. Қабул қилинган дастурнинг давлат органлари ва Қуролли Кучлар тузилмалари томонидан “маҳаллабай” асосда ижросини ташкиллаштириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	–	Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Б.Ташматов	Мудофаа вазирлиги Х.Каршиев
Амалий чора-тадбирлар	ҳар йили	–					

		3. Умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.	Амалий чора-тадбирлар	мунтазам равишда	Ҳисоб-китоб асосида		Мудофаа вазирлиги Х.Каршиев, Халқ таълими вазирлиги Б.Саидов
72-мақсад: Аҳолига ахборот-кутубхона хизматини кўрсатишни янада ривожлантириш, китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш							
264.	Аҳолига ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш ҳамда соҳада ягона бошқарув тизимини жорий этиш.	1. Президент кутубхонасини ташкил этиш ва уни самарали фаолият олиб боришини таъминлаш. 2. Соҳани давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жорий этиш.	Ўзбекистон Республикаси и Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А.Ходжаев, Маданият вазирлиги О.Назарбеков
265.	Китобхонликни кенг оммалаштириш.	1. Ўзбек миллий мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарини жаҳон тилларига сифатли ўгиришга доир таржимонлик мактабларини ривожлантириш, хорижий тилларга таржима қилинган ўзбек ижодкорлари асарларини кенг тарғиб қилишни тизимли йўлга қўйиш. 2. Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини восита ва оригинал тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш тизимини кенг қўллаб-қувватлаш. 3. Талабга кўра нашр (“print-on-demand”) тажрибасини ҳамда соҳа хизмат кўрсатувчи вакилларининг онлайн майдончасини (“workfarm”) шакллантириш. 4. Ногиронлиги бўлган шахсларга, шунингдек, болалар уйлари ташкил этаётган оилаларга китоблар тўплами	Ўзбекистон Республикаси и Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А.Ходжаев, Маданият вазирлиги О.Назарбеков

		тақдим этиш ва “Меҳр кутубхонаси” лойиҳасини амалга ошириш.					
73-мақсад. Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш							
266.	ИХТ, ИРСИКА, АЙСЕКО, ЮНЕСКО каби дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари, илмий-тадқиқот марказлари ва университетлари билан ҳамкорликда “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” шиори остида халқаро конференция, симпозиум ва анжуманлар ташкил этиш.	1. “Ўзбекистон – буюк алломалар юрти” мавзусида БАА, Туркия, Малайзия, Уммон, Қувайт ва бошқа давлатларда халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказиш. 2. “Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови” мавзусида халқаро ва республика конференцияларини ташкиллаштириш. 3. Хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик ёшлар иштирокида “Янги Ўзбекистон ёшлари ва учинчи ренессанс” мавзусида тарғибот тадбирларини ўтказиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар)	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Дин ишлари бўйича қўмита С.Тошбоев , Ўзбекистон Халқаро ислом академияси М.Комилов , Ташқи ишлар вазирлиги А.Камилов , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов
267.	Буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг асарларини халқчил таржимасини амалга ошириш , улар асосида илмий ва оммабоп рисоалар яратиш.	1. Малакали исломшунос олимлардан иборат таржимонлар гуруҳини тузиш. 2. Таржима қилинадиган асарлар рўйхатини шакллантириш ва таржимасини амалга ошириш. 3. Алломаларимиз меросидаги ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш, уларда бағрикенглик маданиятини ривожлантиришга қаратилган илмий-оммабоп рисоалар нашр этиш. 4. 2022 йилда 15 та асарнинг халқчил таржимасини амалга ошириш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Лойиҳаларда кўрсатилган ҳисоблар асосида (Инновацион ривожланиш вазирлигининг лойиҳа маблағлари)	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Ўзбекистон Халқаро ислом академияси М.Комилов , Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ш.Зиёдов , Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ш.Умаров , Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот

							маркази Д.Махсудов
268.	Буюк аждодларимизнинг бой илмий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш.	1. “Учинчи Ренессанс – Янги Ўзбекистон” фото-альбомини ўзбек, рус, араб ва инглиз тилларида тайёрлаш. Бунда: ижодий ва ишчи гуруҳ тузиш; фото альбомни юқори сифатда нашр этиш; фото альбомни мамлакатимиз ва хорижда тақдимотини ўтказиш.	Чоратадбирлар режаси	2022 йил якунига қадар	Ажратилган грантлар доирасида	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари (<i>лавозим бўйича</i>)	Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази Ф.Эрназаров
		2. Имом Бухорий асарларида тараннум қилинган юксак одоб-ахлоқ, илмга муҳаббат, Ватанга садоқат сингари эзгу умуминсоний қадриятларни кенг тарғиб қилиш мақсадида “Имом Бухорий асарлари мисолида ислом санъати кўргазмаси” ни ўтказиш. Бунда: кўргазма концепцияси ва чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш; кўргазмани Италия, Швейцария, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатларда ўтказиш.	Чоратадбирлар режаси	2022 йил ноябрь	Ҳисобкитобларга кўра (бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар)	Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Ш.Зиёдов , Ташқи ишлар вазирлиги А.Камилов	
74-мақсад. Жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш							
269.	Миллий маданий марказларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш.	1. Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар таркибига Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасини қўшиш ҳамда унинг маданий фаолият соҳасидаги ваколатларини белгилашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Қонун лойиҳаси	2022 йил июнь	Ҳисобкитобларга кўра	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов , Адлия вазирлиги М.Икрамов ,

							Молия вазирлиги Ж.Абруев
270.	Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясининг изчил амалга оширилишини таъминлаш.	Жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган 2022-2024 йилларда миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиш.	Ўзбекистон Республикаси и Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил март	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов
271.	Турли миллат ёшлари учун қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, уларда фуқаролик бурчини англаш, ватанпарварлик, бағрикенгликка асосланган миллатлараро муомала маданияти ҳис-туйғусини мустаҳкамлаш.	Турли миллат ёшлари билан ишлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов , Ёшлар ишлари агентлиги А.Саъдуллаев , Давлат тест маркази М.Каримов , Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов
272.	Хорижий тилларда фаолият юритаётган ҳамда миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат сиёсатини ёритаётган оммавий ахборот воситаларини давлат	1. “O‘zbekiston”, “Звезда Востока” ва “Амударё” журналлари, “Еркин Қарақалпақстан”, “Нурлы жол”, “Овози тожик”, “Мекан” ва “Достук” газеталарининг моддий-техник базасини яхшилаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил август	Ҳисоб-китобларга асосан	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров ,	Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги А.Ходжаев ,

	томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	2. Соҳага оид материалларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича танловлар, грантлар ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва блогерларни пресс-турларда иштирок этиш, уларга бериладиган ижтимоий буюртмаларни қоплаш тартибини белгилаш.				Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов
273.	Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш.	1. Дўстлик жамиятларидаги мавжуд вакант раис лавозимларига малакали мутахассислар номзодини таклиф этиш. 2. Дўстлик жамиятларига улар раисларининг асосий иш жойи жойлашган бинода беғараз асосда хизмат хоналарини бериш ва барча зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш. 3. Дўстлик жамиятларини молиялаштиришнинг доимий манбаини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тақдим этиладиган субсидияни аниқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов
75-мақсад: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш							
274.	Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.	1. Қуйидаги атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг таваллудларини муносиб нишонлаш: Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги; Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги; 2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари яшаб ва ижод қилган уйларига ёдгорлик	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил август 2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухакимов	Бадиий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар

		лавҳаларини ўрнатиш. 3. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ҳайкал ўрнатиш. 4. Ижодий кўргазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш.					
275.	Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш.	1. Қуйидаги халқаро санъат тадбирларини ташкил этиш: Замонавий санъат биеннаlesi; “Тошкент қувончлари” халқаро болалар расмлари биеннаlesi; “Тасвирий ва амалий санъат” фестивали 2. Ушбу халқаро санъат тадбирларининг ҳар бирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Бадий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар
276.	Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.	1. Бадий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари белгилаш. 2. Соҳа бўйича бадий ва илмий салоҳиятни кучайтириш, болалар санъатини ривожлантириш. 3. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтириш. 4. Бадий таълим сифатини ошириш ва бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шакллари тизимли асосда ривожлантириб бориш. 5. Жаҳон тасвирий ва амалий санъати тараққиётига ҳисса қўшган, соҳа бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган малакали номзодларни фахрий хорижий аъзолигига тавсия этиш.	Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Бадий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар

277.	“Саҳродаги Лувр” номи билан дунё ҳамжамиятига танилган Савицкий музейининг маданий, маърифий имкониятларини кенгайтириш.	Савицкий музейи бўйича ривожланган мамлакатларнинг етакчи илмий-маданий муассасалари билан ҳамкорликда махсус тадқиқотларни амалга ошириш ва чет тилларда китоб ва альбомлар нашр қилиш.	Амалий чора-тадбирлар	Йил давомида	Ҳисоб-китобларга кўра	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Туризм ва спорт вазирлиги У.Аъзамов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
76-мақсад: Маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш, маданият муассасалари ва объектларининг моддий-техника базасини яхшилаш							
278.	Маданият ва санъат соҳаси вакиллари, ижодкорлар, шунингдек, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ва ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг яшаш шароитларини яхшилаш.	Маданият ва санъат соҳасидаги маъмурий-бошқарув, ижодий-бошқарув, профессор-ўқитувчилар, ижодий, мутахассис, техник ва хизмат кўрсатувчи ҳамда бошқа ходимларининг, меҳнат ҳақи миқдорларини ошириш.	Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси	2022 йил ноябрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Маданият вазирлиги О.Назарбеков , Бадий академия А.Нуридинов , Молия вазирлиги Т.Ишметов
279.	Театр санъатини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.	1. Мамлакатимизда театр санъати соҳасининг фаол ижодкорларини қўллаб-қувватлаш. 2. “Театр санъати миллий мукофоти”ни таъсис этиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил август	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Маданият вазирлиги О.Назарбеков , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
280.	Миллий маданиятни халқаро даражада оммалаштиришга қаратилган тадбирларни ҳудудларда ўтказишни жорий этиш.	1. Гулистон шаҳрида III халқаро “Бахшичилик санъати фестивали”ни ташкил этиш ва ўтказиш. 2. Бухоро шаҳрида II халқаро мақом санъат анжуманини ўтказиш. 3. Наманганда бир йилда бир марта анъанавий тарзда халқаро “Гуллар байрами фестивали”ни ташкил этиш ва	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари	2022 йил	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Маданият вазирлиги О.Назарбеков , Сирдарё, Бухоро, Наманган вилоятлари ҳокимликлари

281.	Ўзбек халқи маданияти ва санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган атоқли ижодкор зиёлилар юбилейларини муносиб нишонлаш, ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш.	Ўтказиш. 1. Жиззах шаҳрида Орифхон Ҳотамов номидаги мақом санъати ва мумтоз қўшиқчилик республика танловини ўтказиш. 2. Қарши шаҳрида Қодир бахши Раҳимов таваллудининг 85 йиллигини муносиб нишонлаш. 3. Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири ва бахшиси Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллигини муносиб нишонлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Маданият вазирлиги О.Назарбеков, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари ҳокимликлари
77-мақсад: Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни янада ривожлантириш							
282.	Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш.	Ўзбекистон Республикасида тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, уни амалга ошириш “Йўл харитаси” ва мақсадли кўрсаткичларини тасдиқлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш: 1. Республикадаги етакчи тарихчи олимлардан иборат ишчи гуруҳини шакллантириш. 2. Қарор лойиҳасининг матни, “Йўл харитаси” ва мақсадли кўрсаткичларни тайёрлаш. 3. Қарор лойиҳаси матни, “Йўл харитаси” ва мақсадли кўрсаткичларнинг олимлар иштирокида кенг муҳокамасини ташкиллаштириш. 4. Қарор лойиҳасини ўрнатилган тартибда келишиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси	2022 йил ноябрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари (лавозим бўйича)	Фанлар академияси Б.Юлдашев, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги А.Тошқулов, Халқ таълими вазирлиги Б. Саидов

78-мақсад: Миллий кино санъатини ривожлантириш

283.	Хорижий кинокомпаниялар ва киностудияларни мамлакатга жалб этиш мақсадида Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ер майдони 50 гектардан кам бўлмаган замонавий киношаҳар ташкил этиш.	<p>1. Киношаҳарни ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича хорижий мутахассислар ва ташкилотларни жалб қилган ҳолда жаҳон тажрибасини ўрганиш ва натижалари бўйича киношаҳар концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Киношаҳар лойиҳасини амалга ошириш, молиялаштириш манбаларини белгилаш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш.</p> <p>3. Киношаҳарни ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш ҳамда қурилишини таъминлаш.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёни</p> <p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	2022 йил сентябрь	Ҳисоб-китоб асосида	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Кинематография агентлиги Ф.Абдухаликов , Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги Ж.Ахмедов , “Чорвоқ” эркин туризм зонаси дирекцияси А.Нагаев
284.	Мамлакатда миллий фильмлар намоиши ва тарғиботини юқори савияда ташкил қилиш, фильмларни оммалаштириш, миллий кинопрокат тармоғини яратиш.	<p>1. Республиканинг ҳар бир туман (шаҳар) кесимида фильмлар намоишини назарда тутувчи “Кинокарвон” фаолиятининг режа жадвалини тасдиқлаш.</p> <p>2. Таълим муассасаларида, ҳарбий қисмларда ва иш режими вахта усулида ташкил этилган йирик корхоналарда миллий кино маҳсулотларининг намоишини ташкил этиш.</p> <p>3. Республика бўйлаб фильмлар тарғиботини ташкил қилиш ва оммалаштириш бўйича реклама кампаниясини тизимли ташкил қилиш, жаҳон тажрибасини қўллаш.</p> <p>4. Мамлакатдаги кинотеатрларни ягона тармоққа улаш, фильмларни онлайн етказиб бериш, намоиш этиш ва ҳисоботини юритиш тизимини жорий этиш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёни	2022 йил октябрь	Ҳисоб-китоб асосида	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Кинематография агентлиги Ф.Абдухаликов

285.	Республикада миллий мультимедия индустриясини шакллантириш ва жадал ривожлантириш.	<p>1. Кинематография агентлиги ҳузурида “Ўзбекмультфильм” студиясини ташкил қилиш, фаолиятини жаҳон тажрибаси асосида йўлга қўйиш, маҳаллий ва хорижий мутахассисларни жалб қилиш.</p> <p>2. Хорижий анимация студиялари билан музокаралар олиб бориш, маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш бўйича тажриба алмашиш, ўқув курслари ташкил қилиш.</p> <p>3. Хусусий анимация студияларини қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш ва субсидиялар ажратиш тизимларини амалиётга татбиқ этиш.</p> <p>4. Анимация йўналишида фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар, студиялар ва компанияларга давлат буюртмасини бериш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш.</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил июль	–	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Кинематография агентлиги Ф.Абдухаликов , Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги Ж.Ахмедов , “Чорвоқ” эркин туризм зонаси дирекцияси А.Нагаев
------	--	---	----------------------------------	---------------	---	--	--

VI. МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА УМУМБАШАРИЙ МУАММОЛАРГА ЁНДАШИШ

(Масъуллар – Ш.Миноваров ва Э.Арипов)

79-мақсад. Аҳоли саломатлиги ва генофондига зиён етказадиган мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш

286.	Атроф муҳитга таъсири хавфи юқори даража (I тоифа)даги объектларнинг ифлослантирувчи манбаларидан автоматик равишда намуналар олиш тизимини татбиқ этиш.	<p>“Янги Ангрен ИЭС” АЖ ва “Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати” АЖ Мис эритиш заводининг ифлослантирувчи манбаларига намуна олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станцияларини тажриба тариқасида ўрнатиш.</p> <p>Натижада ифлослантирувчи манбалар ташламалари устидан автомат назорат тизими яратилади, инсон омилсиз мониторинг амалга оширилади, қайд этилган ифлосланиш ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чоралари кўрилади.</p>	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил сентябрь	350 минг АҚШ долл. (Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари)	Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Б.Усманов , Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов
------	--	--	-----------------------	-------------------	--	--	--

287.	Атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш атроф табиий муҳитни кузатиш, унинг ифлосланиш даражасини прогноз қилиш, давлат экологик назоратини доимий ахборот билан таъминлаш, ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати ва атроф-муҳитга таъсири мониторингини амалга ошириш.	<p>1. Атроф-муҳит мониторинги доирасида 685 та (атмосфера ҳавоси объектлари 301 та, тупроқни ифлослантирувчи объектлар 150 та ва оқова сув объектлари 234 та) хўжалик юритувчи субъектларнинг ифлослантирувчи манбаларида намуналар олиш ва уларни таҳлил қилиш.</p> <p>2. Мониторинг натижаларини Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг электрон маълумотлар базасига киритиб бориш.</p> <p>3. Атроф табиий муҳит давлат мониторингининг электрон маълумотлар базаси маълумотларини Ягона геоахборот маълумотлар базасига киритиб бориш.</p>	Атроф табиий муҳит мониторинги дастури	2022 йил якунига қадар	Тасдиқланган харажатлар сметаси асосида (ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар, Давлат экология қўмитаси бюджетдан ташқари маблағлари ва тегишли корхоналар маблағлари)	Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Б.Усманов , Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов
288.	Экологик талабларга жавоб бермайдиган маиший чиқинди полигонларининг атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш.	Мавжуд маиший чиқинди полигонлари сонини оптималлаштириш орқали, халқаро талаблар асосида санитария ва экологик меъёрларига жавоб бермайдиган 99 та маиший чиқинди полигони фаолиятини тугатиб, 25 та полигонни реконструкция қилиш ва 2 та янги замонавий полигонларни ташкил этиш ишларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқиш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси	2022 йил август	Инвестиция дастури доирасида (Ҳисоб-китоблар асосида) бюджет ва ХМИ маблағлари	Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Б.Усманов , Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов
289.	Республика ҳудудида амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа турдаги фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш юзасидан давлат экологик экспертизасини ўтказиш.	1. Амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсир кўрсатиш тоифасини аниқлаш юзасидан хатлов ўтказиш.	Тармоқ жадвали	2022 йил ноябрь	Давлат экологик экспертизаси буюртмачи маблағлари ҳисобдан	Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари Б.Усманов , Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов
		2. Хатлов натижалари асосида хўжалик юритувчи субъектларни давлат экологик экспертизасидан ўтказиш ва уларнинг	Тармоқ жадвали	2022 йил ноябрь	Давлат экологик экспертизаси буюртмачи		

		фаолиятини экологик талабларга мувофиқлаштириш.			маблағлари ҳисобдан		
		3. Хўжалик юритувчи субъектларга берилган давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаларида белгиланган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш.	Тармоқ жадвали	Доимий	Давлат экологик экспертизаси буюртмачи маблағлари ҳисобдан		
80-мақсад: Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш							
290.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 млн туп дарахтлар экиш.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш. Бунда: 2022 йил баҳорда 125 млн туп ва кўзда 75 млн туп кўчат экишни ташкил этиш. Экилган кўчатларни сақлаш ва парваришlash тизимини жорий этиш. Экилган кўчатларни ташкилотлага бириктириш ва “дарахатлар ресстри”дан кўчирмалар бериш тизимини жорий этиш.	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил давомида	Қарорда белгиланган маблағлар ва молиялаштириш манбалари доирасида	Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов , Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниев	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Н.Бакиров , Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Н.Обломуродов , Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари
291.	“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ташаббусларига мос тарзда аэриобиологик мониторинг тизимини йўлга қўйиш.	«Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро молекуляр аллергология маркази томонидан аллергия чақирадиган ўсимликларнинг чангланиши, аҳолининг аллергик касалликларнинг клиник зўрайиши (ринит, бронхиал астма) ўртасидаги боғлиқликни гулчанг мониторинги ўтказиш тизимини йўлга қўйиш, бунда:	Амалий чора-тадбирлар	2022 йил ноябрь	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Бош вазир маслаҳатчиси - ИТ-технологиялар телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари	Инновацион ривожланиш вазирлиги И.Абдурахмонов , Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов

		Тошкент шаҳрининг 2 ҳудудида ўрнатилган Ланзоний (гулчанги қопқони) асосида ўсимликларнинг аллерген салоҳиятини аэробиологик ва мультиплексли аллергочип усулида доимий мониторинг қилиш ; республиканинг 8 та ҳудудида гулчанги қопқонларини ўрнатиш асосида мунтазам равишда аэробиологик мониторингни йўлга қўйиш ; шаҳарларда дарахтларни экишда аллергенсиз кўчат турларини таклифини ишлаб чиқиш.				департаменти бошлиғи (лавозим бўйича)	
292.	Маиший чиқиндиларни йиғишни 100 фоизга , уни қайта ишлаш даражасини 21 фоиздан 50 фоизга етказиш.	1. Осиё тараққиёт банки иштирокидаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни барқарор бошқариш” лойиҳаси доирасида 144 та махсус техникалар харид қилиш ва 156 та махсус техникалар харид қилиш юзасидан тендер савдоларини ўтказиш.	Лойиҳани амалга ошириш бўйича Тармоқ жадвали	2022 йил июнь 2022 йил ноябрь	323 млрд сўм (ОТБнинг имтиёзли қарз маблағлари)	Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов	Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов
		2. Тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш тизимини яратиш, 80 та махсус техника, 20 та зарарсизлантириш ускунаси (автоклав), 40 та утилизация қилиш ускунаси (инсиниратор) ва 60 та тиббиёт чиқиндиларини утилизация қилиш участкаларини қуриш.	Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси	2022 йил октябрь	Ҳисоб китоблар асосида (Давлат бюджети, грант ва бошқа маблағлар)		Соғлиқни сақлаш вазирлиги Б.Мусаев , Давлат экология қўмитаси Н.Обломуродов , Молия вазирлиги Т.Ишметов
